БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 232 (1752) | 23 ноябрь, 1960 йил, чоршанба | Баҳоси 20 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қаттиқ ишонч билдириб айтадиларки, пахта теримида фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатган шонли колхозчиларимиз, совхоз ва РТС ишчилари, ажойиб механизаторларимиз, ишчиларимиз, хизматчиларимиз ва барча шаҳарликлар терим ишлари тугалловчи даврга қадам қўйиб, ғалаба яқинлашиб қолган ҳозирги пайтда янада зўр қаҳрамонлик билан меҳнат қиладилар ва севикли социалистик Ватанимиз олдидаги ўз интернационал бурчларини тўла-тўкис бажарадилар!

МУРОЖААТГА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ЯНА 25 ЦЕНТНЕРДАН

Шу кеча-кундузда бутун фикри-ёди ёз бўйи тер тўкиб етиштирган ҳосилимизни сўнгги граммларигача нобуд қилмай йиғиб-териб олишга қаратилмаган ким бор дей сиз! Ахир, партия ва ҳукуматга берган ваъдамизнинг уддасидан чиқолмасак уят бўлади-ку!

Бригадамиз аъзолари газеталарда кечагина эълон қилинган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатини синчиклаб ўқиб чиқар эканлар, ана шундай қарорга келдик.

Бу мурожаатда йирик-йирик районлар қатори бизнинг Гулистон райони ҳам теримда орқада қолаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳамкасб, ҳамқишлоқ дўстларим, бу танқиддан тўғри хулоса чиқарайлик. Далаларимизда ҳали ҳосил бор экан, унинг сўнгги граммларигача йиғиб-териб, давлатимизга топшириш учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилайлик.

Колхозимизда ҳам шундай қилмоқдамиз. Кейинги кунларда суръат анчагина кучайди. Илғор бригадаларимиз бирин-кетин маррага яқинлашмоқдалар. Ўртоқ Султон Жўраев бригадаси 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан пахта топширди. Бу азаматлар гектаридан яна 10 центнердан пахта беришмоқчи. Шунингдек Шерали Мингбоев бригадаси ҳам 75 гектар ернинг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил йиғиб олди. Улар қолган ҳосилларини чамалаб, яна гектаридан 9 центнердан ҳосил йиғиб олишмоқчи.

Ўзимизнинг бригадамизга келганда шуни айтиш керакки, биз ҳам эл-юрт олдида берган сўзимизнинг устидан чиқиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Яқинда ҳисоблаб чиқдик: 100 гектар ернинг ҳар гектаридан топширилган ҳосил 40 центнерданга етипти. Даламизда ҳали ҳосил бор. Биз партия ва ҳукуматимизнинг Мурожаатига жавобан бутун куч ва ғайратимизни сафарбар этиб, сўнгги кўсакача териб топширамиз. Сушилка хўжалигимиз, кўсак териш, кўсак чувиш машиналаридан унумли фойдаланиб, ҳар гектар ердан яна 25 центнердан пахта топшириш учун курашамиз.

Ғанишер ЮНУСОВ,
Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ПАХТА УРУҒЧИЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Пахта уруғчилиги пахтачиликни ва деҳқончилик маданиятининг умумий даражасини янада юксалтириш ишида катта аҳамиятга эга.

Маҳаллий шароитга мослаштирилган сортларнинг сараланган юқори сифатли уруғлик чигитни экиш ҳосилдорликни ошириш ва пахта маҳсулотининг сифатини яхшилаш учун қулай шароит вужудга келтиради.

Пахта уруғчилиги селекцион ва уруғчилик станцияларида, колхоз ва совхозларда, элита-уруғчилик хўжаликларида, давлат сорт синаш участкаларида, пахта заводларида, тайёрлаш пунктларида, пахта уруғчилик лабораторияларида олиб бориладиган селекциячилик ва уруғчилик ишларини ўзаро боғловчи ягона давлат системасидан иборатдир.

Уруғчилик иши ҳамма звеноларда ўзаро боғланган бўлиб, республика ҳукумати томонидан тасдиқланган план асосида олиб борилади.

Ваҳоланки, айрим районлардаги совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари ҳукумат томонидан тасдиқланган сортларни районлаштириш планларининг ўз бошимчалик билан ўзгартирилишига, планда кўзда тутилмаган сортдаги ёки репродукциядаги уруғлик чигитнинг экилишига ёҳуд қўшимча экилишига, бир хўжаликда ва ҳатто бир бригадада икки хил сортли ёки бундан ҳам кўпроқ хил сортли чигитнинг экилишига, колхоз ва совхозларда, тайёрлаш пунктларида ва пахта заводларида уруғлик пахтани териш ва уруғлик чигитни тайёрлаш вақтида, шунингдек пахта заводларида уруғлик чигитни сақлаш ва қайта ишлаш вақтида уруғчилик қоидаларининг бузилишига йўл қўймоқдалар.

Пахта уруғчилигининг аҳамиятига етарли баҳо бермаслик ва уруғлик хўжалигини бошқариш қоидаларини бузиш ҳоллари уруғлик чигитнинг сорт ва экиш сифатлари ёмонлашувига, пахта ҳосилдорлигининг ва маҳсулот сифатининг пасайишига ҳамда сортнинг йўқолиб кетишига олиб келади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиуми пахта уруғчилигини давлат аҳамиятига эга бўлган жуда муҳим иш деб ҳисоблаб, **қарор қилади:**

1. Пахта уруғчилиги иши Ўзбекистонда пахта уруғчилиги тўғрисида республика Министрлар Совети томонидан тасдиқланган асосий низомларга мувофиқ тарзда олиб борилади. Бу қоидалар ўз ишлари Ўзбекистон ССР территориясида уруғлик чигит материаллари билан боғлиқ бўлган барча муассасалар ва шахслар учун мажбурийдир.

2. Пахта уруғчилигига доир планларни ишлаб чиқиш, уруғчилик ишига оператив раҳбарлик қилиш ҳамда уруғчилик юзасидан давлат планлари, низомлар ва инструкцияларнинг бажарилиши устидан контроль қилиш республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва унинг жойлардаги органлари зиммасига юкланади.

3. Пахта уруғчилигига методик раҳбарлик ва уруғчилик ҳамда уруғшуносликнинг янги методларини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, унинг илмий-тадқиқот институтлари ва тажриба станциялари томонидан амалга оширилади.

4. Тўқимачилик саноатини зарур хилдаги тола билан таъминлаш ҳамда колхоз ва совхозларни уруғлик чигит билан ўз вақтида таъминлаш мақсадида республика Министрлар Совети йил сайин 15 декабрдан кечиктирмай, пахта сортларини районлаштириш планини тасдиқлайди, бу планни ҳукуматнинг рухсатидан бошқа ўзгартириш тақиқланади.

5. Бир колхоз ёки совхозда икки хил ва бундан кўпроқ хил районлаштирилган сортларни экиш, янги сортларни қўпайтирганда эса бир бригадада (совхозлардан ташқари) икки ва бундан кўп сортларни экиш, шунингдек районлаштирилган сортлар устида иш олиб борувчи элита-уруғчилик хўжаликларида қўшимча экиш вақтида бошқа сортли чигит экиш ва янги сортларни экиш тақиқланади.

6. Барча уруғлик экинлари — элита, биринчи, иккинчи ва учинчи репродукциядаги экинлар, шунингдек янги сорт пахта экинлари касалликларга бўлмаган, серҳосил, тоза сортли уруғлик материаллари йиғиб олинишини ва тайёрланишини таъминлайдиган юқоон ҳосил етиштирувчи колхоз ва совхозларнинг далаларида жойлаштирилиши лозим.

7. Уруғлик экинзорларида уруғлик пахтани йиғиб-териб олиш тартиби ва муддатлари колхоз правлениеси ва совхоз маъмурияти томонидан уруғчи агрономнинг тавсиясига мувофиқ, белгиланган уруғчилик қоидаларига ҳамда уруғлик материаллари тайёрлаш планларига қатъий мос тарзда белгиланади. Уруғлик қоидалари ва уруғлик материалларни тайёрлаш планлари тегишинча Қорақалпоғистон АССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, область қишлоқ хўжалик бошқармалари ва район қишлоқ хўжалик инспекциялари томонидан йил сайин тасдиқланади.

Пишиб етмаган уруғлик пахтани териш қатъиян тақиқланади.

8. Чигит экиш, уруғлик пахтани хиллаб териш ва давлатга топшириш ишларининг тасдиқланган планга мувофиқ тўғри ташкил қилиниши ва ўтказилиши учун колхоз раислари ва совхоз директорлари жавобгардирлар.

9. Уруғлик чигит тайёрлаш ҳамда колхоз ва совхозларни уруғлик чигит билан таъминлаш ишларини пахта тозалаш заводлари республика Қишлоқ хўжалиги министрлигининг Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши билан келишиб тузган планларига мувофиқ олиб борадилар.

10. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши, пахта трестлари ҳамда пахта заводларининг ва совхозларнинг директорлари уруғлик чигит тайёрлаш ҳамда колхоз ва совхозларни уруғлик чигит билан таъминлаш планларининг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайдилар, уруғчилик соҳасидаги ҳамма ишларни пахта уруғчилигига доир низомлар ва инструкцияларга мувофиқ равишда олиб борадилар, уруғлик чигитнинг бузилишдан ва аралашиб кетишдан сақланишини таъминлайдилар, ўз сифатлари жиҳатидан Давлат Умуминттифоқ стандартининг талабларига жавоб берадиган уруғлик чигит ишлаб чиқарилиши устидан кузатадилар.

11. Уруғлик учун ажратилган пахтани ҳамда ҳар хил сортдаги ва репродукциядаги чигитни ва турли группа далалардаги пахтани териш, сақлаш ва ташиш вақтида аралаштириб юбориш; ифлослиги ва туклилиги жиҳатидан стандартга мувофиқ бўлмаган уруғлик чигитни ишлаб чиқариш; колхоз ва совхозларга план бўйича кўзда тутилмаган уруғлик чигит бериш; уруғлик чигитни ўз вақтида тайёрламаслик ва уни тайёрлаш пунктларига ўз вақтида ташиб келтирмаслик давлатга ва колхозларга зарар етказади ҳамда қонун билан тақиқланади.

12. Ушбу Фармонни бузишда айбли бўлган кишилар маъмурий жавобгарликка, Фармонни қасддан бузган кишилар эса жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари И. БАБКОВ.

1960 йил 22 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ ўртоқ Хо Ши Минни қабул қилди

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев 21 ноябрда Кремлда Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг раиси, Вьетнам Демократик Республикасининг президенти ўртоқ Хо Ши Минни қабул қилди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев билан ўртоқ Хо Ши Мин ўртасида самимий, дўстона суҳбат бўлди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири ўртоқ Ю. В. Андропов ҳозир бўлди.

Совет Ўзбекистонида



Жиззах районидаги Будённий номли колхознинг илғор теримчиларидан Бувиниса Ортиқова билан Меҳри Одилова бу йил эл хирмонига 15 тоннадан пахта тўкдилар. Суратда: (чапдан) Б. Ортиқова ва М. Одилова ўртоқлар. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети бу йилги ҳосилни йиғиб-териб олиш ҳамда уни давлатга сотиш юзасидан районлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 16 ноябрдан 21 ноябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи қуйидагиларга берилди:

Қуйи Чирчиқ районига (район партия комитетининг секретари **И. Сотиболдиев**, район ижроия комитетининг раиси **И. И. Ли**, район комсомол комитетининг секретари **Т. Исломов**, район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи **В. Азизов** ўртоқлар). Бу район давлатга пахта сотиш планини 95,58 процент бажарган ва ўтган беш кунликда 4,64 процент ўсишга эришган.

Гулистон районига (район партия комитетининг секретари **Қ. Укубоев**, район ижроия комитетининг раиси **С. Усмонов**, район комсомол комитетининг секретари **Р. Олломуродова**, район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи **Г. Г. Сутюшев** ўртоқлар). Бу район давлатга пахта сотиш планини 69,50 процент бажарган ва ўтган беш кунликда 3,58 процент ўсишга, шу жумладан пахтани машинада териш бўйича 7,19 процент ўсишга эришган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Гулистон районидаги **«Социализм» совхозида** қолдирилди (директори **Қ. Пўлатов**, партия ташкилотининг секретари **А. Н. Шахматов**, ишчилар комитетининг раиси **Т. Тожибоев** ўртоқлар). Бу совхоз бўйича давлатга пахта сотиш плани 82,63 процент бажарилган ва ўтган беш кунликда 5,28 процент миқдорида пахта тайёрланган.

Пахтани машинада териб олиш юзасидан энг яхши кўрсаткичларга эришган колхоз ва совхозларга сотиш учун Гулистон районига 3 та юк ва 1 та енгил автомашина ажратилди.

Пиғим-теримда намуна кўрсатиб ишлаган илғор теримчиларни, механик-ҳайдовчиларни мукофотлаш учун Қуйи Чирчиқ ва Гулистон районларига 5 минг сўмдан ҳамда «Социализм» совхозига 3 минг сўм пул берилди.

* * *

Область партия комитети ва область ижроия комитети шудгоролаш юзасидан районлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 11 ноябрдан 21 ноябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи қуйидагиларга берилди.

Чиноз районига (район партия комитетининг секретари **Н. Қирғизбоев**, район ижроия комитетининг раиси **М. Музаффаров**, район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи **А. Тўйчиев** ўртоқлар). Бу район шудгоролаш планини 35,7 процент бажарган ва ўтган ўн кунликда 13,7 процент ўсишга эришган. Байроқ Калинин районидан олиб берилади.

Сирдарё районидаги **«Малик» совхозига** (директори **С. Бочкарев**, партия ташкилотининг секретари **А. Мейербеков** ўртоқлар). Бу совхоз бўйича шудгоролаш плани 65 процент бажарилган ва ўтган ўн кунликда 20,3 процент ўсишга эришилган. Байроқ 1-«Оҳангарон» совхозидан олиб берилади.

Шудгоролашда ва техникани ремонт қилишда намуна кўрсатиб ишлаган тракторчиларни, механикларни, агрономларни ва бошқа ходимларни мукофотлаш учун **Чиноз** районига 3 минг сўм ва «Малик» совхозига 1 минг сўм пул ажратилди.

* * *

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар ижроия комитети бу йилги ҳосилни йиғиб-териб олиш ҳамда уни давлатга сотишда область колхоз ва совхозларига актив ёрдам бераётган шаҳар районлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 16 ноябрдан 20 ноябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Октябрь районида** қолдирилди (район партия комитетининг секретари **Нишонов**, район ижроия комитетининг раиси **Мирҳўжаев**, район комсомол комитетининг секретари **Алиева** ўртоқлар). Бу район пахта йиғим-теримига 8454 кишини жалб этган, мавсум бошидан бери 12280 тонна пахта терган ёки берилган топшириқни 61,4 процент бажарган, ўтган беш кунликда мавсум топшириғига нисбатан 6 процент ўсишга эришган, бир кунда ҳар бир теримчи ўрта ҳисоб билан 25,7 килограммдан пахта терган.

Шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети Ленин районининг ўтган беш кунликда яхши ишлаганлигини қайд қилдилар.

Ўз ТАГ ХАБАРЛАРИДАН

ПАХТАНИНГ ЯНГИ СОРТИ

НАВОИЙ, (Бухоро области). «Норпой» совхозида СоюзНИХИ Бухоро зонал тажриба станциясининг селекциячиси Владимир Михайлович Дорофеев томонидан етиштирилган ва давлат синовига топширилган пахтанинг ЗР—7 янги сорти ҳосилини териб олиш тугалланди. Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, янги сорт пахтанинг чигити кўкламда бир текис бўлиб чиқди ва бутун ёз давомида жуда яхши ривожланди. 20 гектар майдоннинг ҳар гектаридан совуқ тушгунча 35 центнердан биринчи сорт пахта териб олинди.

Ип-газлама саноати Марказий илмий-тадқиқот лабораториясининг анализлари янги сортнинг толаси 34 — 36 миллиметр узун бўлишини кўрсатди. Бу пахтанинг ипи жуда пишиқ бўлиб, тўқимачилик корхоналари учун жуда қимматли ҳисобланади. Масалан, 137—Ф пахта сортига қараганда янги сортнинг ҳосил 20 — 25 процент ортиқдир. Бу сорт ҳосили машинада териш учун қулай бўлиши билан ҳам фарқ қилади.

Келгуси йилда совхозда ЗР — 7 пахта сорти 500 гектарга яқин ерга экилади.

КЕНГ ЭКРАНЛИ КИНОТЕАТРЛАР

САМАРҚАНД. Шаҳардаги «Шарқ юлдузи» кинотеатрида кенг экранли зал очилди. Ҳозир залга стереофоник товуш учун аппарат ўрнатилмоқда. Самарқанддаги янги микрорайонда — Деҳқон кўчасида, Жиззах ва Каттақўрғон шаҳарларида қишлик кенг экранли кинотеатрлар қурилмоқда. Буларнинг ҳар бири беш юз тамошабин учун мўлжалланган. Етти йилликнинг охирларига бориб, областнинг ҳамма район марказларида ва катта қишлоқларида ҳам ана шундай кинотеатрлар қурилади.

ЕРЛАР ШУДГОР ҚИЛИНМОҚДА

КАТТАҚЎРҒОН. Крупская номли қишлоқ хўжалик артелининг колхозчилари пахта ва кўсакни конвейер усулида йиғиштириб олишни ташкил этдилар. Ҳар бир бригада аъзолари дала ишларини тезлаштирмоқ учун бир участкада умумий группа бўлиб ишламоқдалар, сўнгра бу участка кўсакни териб олиш учун механизаторларга топширилади. Кўсак териш машиналари ҳам 3— 4 тадан группа бўлиб ишламоқдалар. Терилган кўсак кўрак чувиш машинасида тозаланади, сўнгра транспорт бригадаси уни тайёрлаш пунктига жўнатади.

Кўсак терилгандан кейин ғўзапоя юлиш агрегатлари ишга бошламоқда, ерга ўғит солинмоқда ва шудгор қилинмоқда. Ишнинг бундай усулда ташкил этилиши техникадан юқори унумли фойдаланишни таъминламоқда.

Колхозда тракторчи Зариф Розиқов, Мирза Камолов, Қўзи Орзиевлар ерларни шудгор қилишга биринчи бўлиб киришдилар. Улар кундуз кунлари нормадаги 8 гектар ўрнига 10 гектар ва ундан ҳам ортиқ ерни шудгор қилмоқдалар.

Каттақўрғон районидаги бошқа хўжаликлар ҳам ҳосилни конвейер усулида йиғиб-териб олишга киришмоқдалар. Қишлоқ меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг мурожаатига жавобан далаларда қолган ҳосилни тезроқ ва нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун ҳамда ўзларининг мажбуриятини КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми очилишига қадар шараф билан бажариш учун бутун куч-қувватларини сарфламоқдалар.

Бўлажак медикларнинг практикаси

АНДИЖОН. Андижон медицина институти етти йилликнинг учинчи йилида биринчи марта врачлар тайёрлаб чиқаради. Бўлажак медиклар — 6-курс студентлари ҳозирги вақтда Фарғона водисидаги Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларидаги даволаш муассасаларида практика олмоқдалар. Уларга тажрибали врачлар раҳбарлик қилмоқда.

БИР КОЛХОЗДАГИ МУТАХАССИСЛАР

ЛЕНИНСК, 21 ноябрь. Ленин районидаги Карл Маркс номли колхознинг экономисти Абдуфаттоҳ Усмоновдан пахтакорларнинг билим даражалари тўғрисида мароқли маълумотлар олиш мумкин. Кечагина колхозчи бўлган унинг ўзи Тошкент қишлоқ хўжалик институти экономика факультетини тамомлаганидан кейин, шу йил ўз жонажон қишлоғига қайтиб келди. У, институтга колхознинг тавсияси билан ўқишга юборилган эди.

Абдуфаттоҳ Усмонов қизиқ маълумотлар келтиради. Унча катта бўлмаган ана шу пахтачилик хўжалигида дипломли ўн беш мутахассис ишламоқда. Булар орасида университетларни битириб чиққан Ҳошимжон Усмонов, Шукрулло Мамажонов, Ўктамхон Исмоилова, Муаззамхон Раҳмоновалар бор.

Хўжаликда кадрлар жойжойига шундай қўйилганки, деярли ҳар бир бригадада дипломли мутахассис бор. Колхоз, деб қўшимча қилади Усмонов, саводли кишиларга бойдир. Колхозда 10-синфни битириб чиқанларнинг ўзи юзга яқин кишини ташкил этади.

Мана конкрет мисоллар: колхоз давлатга пахта сотиш планини областда биринчилар қаторида бажарди. Бу хўжалик ҳар бир центнер пахта етиштириш учун область бўйича бўлган ўртача даражадан икки баравар кам меҳнат ва маблағ сарфлади. Яхши тайёргарлик олган кишилар қўлига бериб қўйилган техника муваффақиятни таъминлади. Саводли ходимлар раҳбарлик қилаётган бригадалар ишлаб чиқаришнинг асосий қисми бўлиб қолди. Етти йилликнинг учинчи йилида табелчилар бўлмайди. Уларнинг вазифасини бригада бошлиқларининг ўзлари бажарадилар.

Колхозда ҳамма колхозчилар ўрта маълумотга эга бўлган бригадалар бор.

Ҳар бир центнер пахта 100 сўмданга тушди

ЖОМОШОЙ (Фарғона области). Димитров номли колхоз давлатга пахта сотиш планини Тўрақўрғон районида биринчи бўлиб бажарди. Ҳар бир гектар ердан 30 центнердан пахта териб олинди ва тайёрлаш пунктига топширилди. Бу миқдор ўтган йилда ҳар гектар ердан олинган ҳосилдан 6,5 центнер кўпдир.

Механизация кенг қўлланилганлиги туфайли ҳосилни оширишга эришилди. Ҳамма пахта майдонидаги ғўза икки томонлама ишланди. Ғўзанинг анчагина қисми кетмон ишлатилмай етиштирилди. Ҳар бир гектар ерни механизация билан ишлаш қўл билан ишлашга қараганда тахминан 65 сўм арзонга тушди.

«Оқ олтин»ни териб олишда терим агрегатларидан юксак унумли фойдаланилди. Агрегатлар билан ҳосилнинг анчагина қисми териб олинди. Колхоз пахтани машина билан териш ҳисобидангина 30 минг сўмдан ортиқ маблағни тежади. Пахтани қоп қанорсиз ташиш иқтисодий жиҳатдан катта самара берди.

Комплекс механизацияни қўлланиш ва меҳнатни ташкил қилишнинг прогрессив шаклларини жорий этиш натижасида 1 центнер пахта етиштириш харажатлари ўтган йилдагига нисбатан 40 процентдан ҳам зиёд камайтирилди ва у 100 сўмни ташкил этди.

Пахтакорлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатини муҳокама қилиб, барча пахта ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олиш ва келгуси йилда мўл ҳамда арзон пахта етиштириш заминини тайёрлаш учун меҳнат ғайратини ошириш билан жавоб қайтармоқдалар.

У. К. Кекконеннинг Москвада бўлиши

Финляндия Республикасининг президенти Урхо Калева Кекконен ва унинг ҳамроҳлари расмий визит билан 21 ноябрда Москвага келганликлари тўғрисида хабар берилган эди.

Финляндия президенти шу куниёқ Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ҳузурида бўлди. Л. И. Брежнев билан У. К. Кекконен ўртасида суҳбат бўлди. Бу суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Шундан кейин Финляндия президенти Урхо К. Кекконен Кремлда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ҳузурига борди. Н. С. Хрушчев билан У. К. Кекконен ўртасида самимий дўстона суҳбат бўлди.

Тушдан кейин Финляндия давлатининг бошлиги Ленинские Горидаги М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетини бориб кўрди. У. К. Кекконен ана шу университетнинг фахрий докторидир. Москва давлат университетининг маданият уйида ҳурматли меҳмон студентлар ва ўқитувчилар билан учрашди. Профессор С. С. Кравчук ва студент Т. Заикина Финляндия президентини табрикладилар.

Урхо Кекконеннинг нутқи тулдурос қарсаклар билан кутиб олинди Мен, деди у, фин ва совет халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида Финляндия давлатининг ғакили сифатида Совет Иттифоқига келдим. У, Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда яхшиланганлигига шу ерда ҳозир бўлган кишиларнинг эътиборини жалб этди ва ана шу дўстлик ҳамда тинчлик руҳи бундан буён ҳам давом этади, деб умид билдирди.

Совет Итифоқи ҳукумати кечқурун Финляндия Республикасининг президенти Урхо Калева Кекконен шарафига зиёфат берди.

Ғоят самимий вазиятда ўтган зиёфат вақтида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва Финляндия президенти Урхо Калева Кекконен дўстона нутқ сўзладилар.

СОВЕТ-ФИНЛЯНДИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

МОСКВА, 22 ноябрь. (ТАСС). Бугун Кремлда Совет Иттифоқи учун ҳам, шунингдек Финляндия Республикаси учун ҳам ўзаро қизиқарли бўлган масалалар юзасидан Совет-Финляндия музокаралари бўлиб ўтди.

Музокараларда совет томонидан СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян, СССР министрлари А. А. Громико, Н. С. Патоличев ва бошқалар қатнашдилар.

Музокараларда Финляндия томонидан Финляндия Республикасининг президенти Урхо Калев Кекконен, савдо ва саноат министри А. Карьялайнен, Финляндиянинг СССР даги элчиси Ээро А. Вуори ва бошқалар иштирок этдилар.

Музокаралар тўла ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстлик вазиятида ўтди. Томонлар ҳамма муҳокама қилинган масалалар юзасидан бир фикрга келдилар.

Томонлар бўлиб ўтган музокараларнинг якунлари тўғрисида тегишли ахборот тайёрлаш ва эълон қилиш ҳақида шартлашдилар.

МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ — ВАТАНПАРВАРЛИК БУРЧИМИЗ!

Қадрли ўртоқлар! Пахтани териш, қуритиш ва ташиш вақтида унинг нобуд бўлишига қарши кураш, шунингдек чорва молларнинг пахтани пайҳон қилишининг олдини олиш — мажбуриятларни бажаришнинг энг муҳим шартидир.

Бир гектар ерда бир кўракнинг нобуд бўлишининг ўзи ҳам умуман республикада анча пахтанинг нобуд қилинишига олиб келади. Буни эсдан чиқармаслик керак. Қатор ораларида, йўлларда, пахта қуритадиган жойларда, тайёрлаш пунктларида тўкилиб қолган пахтани териб олиш зарур. Бу пахта — халқ бойлигидир ва биз бу бойликнинг нобуд қилинишига асло йўл қўёлмаймиз.

(Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).

32 центнердан ҳосил олинди

Йил бошида Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг бригада бошлиғи ўртоқ Муллахўжа Йўлбарсов 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил кўтарамиз деб, кўпчиликни ишонтирган эди.

Сўзлари билан ишлари бир бўлган бу бригада аъзолари эрта кўкламдан то шу давргача ғайрат билан меҳнат қилдилар. Барча майдонларда кўнгилдагидек ҳосил етиштирилди, йиғим-терим ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди. Мана энди баракали меҳнатнинг баракали натижаси дилларни қувонтирмоқда.

Бригада аъзолари шу кунгача гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтардилар. Йиллик план 108 процент бажарилди.

Тўхта Эргашева, Маҳбуба Олимхонова, Орзи Тўхтаева каби чевар теримчилар бригаданинг бундай муваффақиятга эришишига муносиб ҳисса қўшиб, 7—8 тоннадан «оқ олтин» тердилар.

Бригада аъзоларининг аҳди-паймонлари, албатта амалга ошади. Улар, ҳеч шубҳасиз, маррага етадилар. Даладаги ҳосил, қилинаётган ҳалол меҳнат ана шуни кўрсатиб турибди. Бригада аъзолари гектаридан яна 10 центнердан ошириб ҳосил кўтариш учун барча зарур тадбирларни амалга ошираётирлар.



Пискент районидаги Гулистон колхозининг ўртоқ Абдурайим Эргашов бошлиқ бригада аъзолари колхозда биринчи бўлиб, пахта тайёрлаш мажбуриятини бажардилар. Ҳар гектар ердан пландагидан 7 центнердан кўп пахта топширилди. Суратда: бригадир А. Эргашев (чапда) ва колхоз партия ташкилотининг секретари К. Ҳайдаров ўртоқлар хирмонда.
Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Учинчи теримда ҳам кўп пахта олинмоқда

БЕКОБОД. (ЎзТАГ). Бекобод районидаги бир қанча хўжаликларнинг механизаторлари ҳосилни учинчи марта машинада териб олишга киришдилар. 1-«Далварзин» ва 2-«Далварзин» совхозлари ҳамда Ленин номли колхознинг механик-ҳайдовчилари ўз агрегатларини яна даларларга олиб чиқдилар.

Бир қанча участкаларда совуқдан кейин гўза тупларидаги барглар тўкилиб кетди. Бу ҳол агрегатларнинг ишини енгиллаштирди. Ленин номли колхознинг ёш механик-ҳайдовчиси Юлдуз Алиева «ХВС-1,2» машинаси билан бир кунда нормадаги 12 центнер ўрнига 20 центнер «оқ олтин» териб олди. Бу қиз машинада пахта териш мавсум нормасини районда биринчи бўлиб бажарди. У ҳозиргача машинада 85 тонна пахта терди. Юлдузхон КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленуми шарафига қўшимча равишда яна 50 тонна пахта теришга ваъда қилди.

1-«Далварзин» совхозида механик ҳайдовчи Набихон Абубакиров ва 2-«Далварзин» совхозида Абдуманнон Саримсоқов ҳосилни машинада учинчи марта териб олишда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Улар кунда 15 центнердан пахта терадилар.

СУРЪАТ НЕГА ПАСАЙИБ КЕТМОҚДА?

Чиноз районидаги бир қатор колхозларнинг раҳбарлари далада қолган ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган шу кунларда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар. Бу хўжаликларда меҳнат интизоми бўшашиб кетган, пахта териш ва кўсак чувиш машиналаридан унумли фойдаланиш эътибордан четда қолмоқда.

Ўртоқ Т. Рустамов раислик қилаётган Навоий номли колхозда йиллик пахта тайёрлаш давлат плани эндигина 60 процент бажарилибди. Бир кунлик ўсиш 0,3 — 0,4 процентга аранг етади. Бунинг асосий сабаби нимада? Далада ҳосил йўқ деб баҳона ахтаришга асос борми? Ҳамма гап шундаки, колхоз раҳбарлари қолган ҳосилни ўз вақтида сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ишига амалий раҳбарлик қилмаётирлар. Контроллик ва талабчанликни бўшаштириб юборганлар. Йиғим-терим қизғин давом этаётган кезларда 370 — 380 киши пахта терарди. Энди-чи? Теримга қатнашаётган кишиларнинг сони 200 — 210 кишидан ошмайди.

Ўз-ўзидан маълумки, аҳолини теримга тўла жалб этишга нўноқлик қилинаётганлиги сабабли колхозчиларнинг бир қисми ўзларининг шахсий ишлари билан шуғулланиб юрибдилар. «Колхоз аъзолари» деб ҳисобланган Аҳмад Эргашев, Содиқали Додажонов, Саҳон Кўчқоров каби бир неча кишиларни колхоз ишидан четда — ўз шахсий манфаатлари учун ўралашиб юрибдилар.

Райондаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида ҳам худди ана шундай аҳволни кўриш мумкин. Бу ерда, айниқса, сушилка хўжалигини тартибга солишга эътибор берилмаяпти. Колхознинг 2-участкасида тўртта бригада бор. 250 гектар пахта майдони учун мўлжалланган битта сушилка шу вақтгача ремонтдан чиқарилган эмас, ёқилғи ҳам йўқ. Шунинг учун ҳам ёғингарчилик бўлган кунлари терилган кўсакларни кўрак чувиш машиналаридан чиқариш ва уни қуритиш учун қанча куч, қанча вақт, қанча транспорт овора қилиниб, биринчи участкага ташилмоқда.

Биз 2-участканинг ўртоқ Алибой Найматоев бригадирлик қилаётган пахта далаларида бўлдик. Эрта билан соат 10 да аранг теримга тушган 16 киши соат беш ярим бўлмасданоқ жўнаб қолишибди. Бу бригадада эгатлар орасида, уватларда, хирмон атрофларида тўкилиб ётган пахталарни кўриб, киши ачинади. Бироқ, бригада бошлиғи бунга бепарво қараётган бўлса керак, тўкилган, пахталарни териб олиш учун бирорта ҳам киши ажратмапти. Колхоз раиси Женевскийнинг ҳам, бошланғич партия ташкилотининг секретари Шокировнинг ҳам ҳовли-жойи колхозда эмас, улар ўн-ўнбеш километр наридан қатнаб ишлайдилар. Шунинг учун ҳам бригадаларда олиб борилаётган ишлардан ўз вақтида хабар олмайдилар. Йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўрмайдилар. Колхозда терим суръатини ошириш учун ҳамма имконият мавжуд. Ҳосил етарли. Агар колхоз раҳбарлари бутун куч ва мавжуд техникани йиғим-теримга тўла сафарбар этиш ҳақида бош қотирганларида эди, кунига 0,2 — 0,3 процент эмас, балки 1 процентдан бемалол пахта тайёрлаш мумкин бўларди.

Ўртоқ Ҳамдам Очилов раҳбар бўлган Сталин номли колхозда йиллик планини ўндириб, ўзи машинасида 100 тоннадан ошириб «оқ олтин» терган Эргаш Райимқулов каби ишнинг кўзини биладиган бригада бошлиқлари ҳам бор. Ҳамма гап шундаки, колхоз раҳбарлари илғорлар тажрибасини оммалаштиришга бефарқ қарамоқдалар.

Ўртоқ А. Маҳмудов бошлиқ бригада аъзолари 116 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олганлар. Агар йиғим-терим шу суръат билан борадиган бўлса, ваъда ваъдалигича қолиб кетади, мажбурият у ёқда турсин, ҳатто планни бажариш ҳам амримаҳол бўлиб қолади. Бригадада кўсак кўп. 50 — 60 киши билан кунига 2300 — 2400 килограммдан кўсак терилаётир, холос.

Колхозда ҳали ҳосили батамом йиғиштириб олинмаган ғўзапоялари юлишга ҳам йўл қўйилмоқда. Агроном ўртоқ М. Мирзаевнинг ўзбошимчалиги билан Абдураҳмон Маҳмудов бригадасида 3 гектар ердаги ҳосилли ғўзапоя ўриб олинган.

Колхозда йиғим-терим суръатининг кундан-кунга пасайиб кетаётганлигига сушилка хўжаликларининг ёмон аҳволда эканлиги ҳам сабабчи бўлмоқда.

Колхоз раҳбарлари ҳозирги ҳар бир кун, ҳар бир соат ғанимат эканлигини унутмасликлари, қолган ҳосилнинг сўнгги граммигача сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун бутун куч ва техника воситаларини сафарбар этишлари керак.

З. ХАЙРИДДИНОВ,
Т. АЛИМОВ.

Мажбуриятни бажариш учун

Қуйи Чирчиқ районидаги Калинин номли колхознинг ўртоқ Н. Усмонов бошлиқ бригада аъзолари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб, йиллик пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажардилар. 20 колхозчи 120 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан она-Ватанга 22 центнердан «оқ олтин» топширди. 135 тонна пахта машина ёрдамида терилди.

Йиллик планнинг бажарилишида кўпминг килограммчи теримчилардан Амина Аҳмаджонова, Юнусжон Аҳмедов каби ғайратли йигит ва қизларнинг ҳиссаси катта бўлди. Улар шу кунгача хирмонга 7—8 тоннадан пахта топшириб, мавсум нормаларини 1,5—2 ҳисса ошириб бажардилар.

Ҳали бригада пахта далаларида ҳосил мўл. Бир ёқадан бош чиқариб ишлаётган теримчилар ҳозир ҳам давлатга йиллик планнинг бир процентидан ошириб пахта топширмоқдалар.

— Ютуқлар билан ҳотиржамланмаймиз, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Н. Усмонов, — яна ҳар гектаридан 8 центнердан ҳосил кўтарамиз.

Ч. ХЎЖАНАЗАРОВ.

Ҳамма теримчи далада

МИРЗАЧЎЛ, (ЎзТАГ). Гулистон районида катта хўжалик бўлган «Красная заря» колхозининг пахтакорлари дала ишларининг якунловчи даврида меҳнатни ташкил этишнинг шаклларини ўзгартирмоқдалар. Ҳозир қолган ҳосилни участкалар бўйича колхозчиларнинг катта группалари билан йиғиб олишга қарор қилинди. Еттита ана шундай группалар ташкил этилди, бу группаларнинг ҳар бири уч-тўрттадан далачилик бригадаларини бирлаштиради.

Қудрат Эрсолиев бригадасининг ёрларида кўсак жуда кўп бўлиб, 150 киши ишламоқда. Терилган кўсак араваларда марказий хирмонга ташиб келтирилияпти. Бу тадбир колхозчиларнинг меҳнат унумдорлигини анча ошириш имконини бераяпти. Ҳозиргача икки мавсум нормасини бажарган кўпминг килограммчи Раҳима Эралиева, Ҳайитгул Арслонова, Инобат Тоғаевалар кунда 200—240 килограммдан кўсак теришмоқда. 950 колхозчининг ҳар бири кунда нормадаги 100 килограмм ўрнига ўрта ҳисоб билан 130—135 килограммдан кўсак терайтир.

Колхоз аъзолари КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленумини давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари бажариш билан кутиб олишга қарор қилдилар.

ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК!

БУЛАРНИ МАҚГАСА БЎЛАДИ

Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхозининг ўртоқ Ортиқбой Маҳмадалиев бошлиқ қорамолчилик фермаси коллективи чорва маҳсулоти етиштиришда, чорва қишловига тайёрлик кўришда катта ғалабага эришдилар.

Ферма коллективи бу йил пландаги 360 тонна ўрнига 385 тонна сут етиштириш мажбуриятини олган эди. 10 ойда пландагидан эмас, балки мажбуриятдан ҳам ошиқ сут етиштирилди. Давлатга 430 тонна сут топшириш тўғрисида қўшимча мажбурият олинди.

Илғор сут соғувчилардан Муҳаббат Зияева сут соғиб олишда, айниқса, катта ғалабага эришди. У 1 ноябргача 20 бош сигирнинг ҳар биридан 2346 килограммдан сут соғиб олди. Планда 44 минг 100 килограмм бўлса, Муҳаббат соғиб олган сут 46 минг 943 килограммга етди. У йил охиригача яна 10 тонна сут соғиш мажбуриятини олиб, астойдил ишлаяпти.

Муҳаббатнинг дугонаси ва мусобақадоши Назира Алиева ҳам 20 бош сигирнинг ҳар биридан 2140 килограммдан сут соғди. Бу — пландагидан анча ортиқ демакдир.

Фермадаги сут соғувчилардан Клавдия Скорпускаянинг иши ҳам мақтовга сазовор. Бу фермада план бўйича қорамоллар сони 1083 бош ўрнига 1173 бошга етди. Чорва қишлови учун 4980 тонна ўрнига 5370 тонна силос тайёрланди. Буларни мақтаса бўлади.

А. ҲОЛИҚУЛОВ.

Қачон тартиб ўрнатилади?

Олмалиқ шаҳридаги Тошкент наслчилик совхозининг ўртоқ Романченко бошлиқ Куйбишев номли бўлимидаги сут-товар фермаси аянч аҳволга тушиб қолди.

Бу фермада чорва маҳсулотлари етиштириш планлари ойма-ой бажарилмаётир. Сентябрь ойида 8 тонна, октябрь ойида 7 тонна кам сут етиштирилди. Фермада йил охиригача 300 тонна сут етиштириш мажбурияти олинган эди. Лекин ойлик планлар бажарилмай қолгани учун эндигина 227 тонна сут тайёрланди.

Фермада молларни боқиш учун қулай шароит йўқ. Молхона қуриш учун урилган пахса девор ёмғир остида нураб-қулаб кетаяпти. Фермадаги молларга ем-хашак ташиш учун транспорт ажратилмаган. Ўтган йили фермада 200 тоннадан ортиқ беда, пичан бор эди. Бу йил эса силосдан бошқа бир грамм ҳам ем-хашак йўқ.

Бу аҳвол район газетасида танқид ҳам қилинди. Бироқ совхоз директори Шукургин, партия ташкилотининг секретари Жамолхўжаев, бош зоотехник Русаков ўртоқлар ҳануз-гача бундан тегишли хулоса чиқармадилар. Ахир бу фермадаги молларнинг аҳволидан энди ким хабар олади?

Б. УМАРОВ.

ГЎШТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ ИЛМИЙ УСУЛИ

Мамлакатимиз аҳоли жон бошига сут ва ёғ етиштириш жиҳатидан ҳозирнинг ўзидаёқ АҚШдан ўзиб кетган бўлса-да, лекин гўшт етиштириш жиҳатидан унга етиб олиш ва ундан ўзиб кетиш учун ҳали анчагина ғайрат кўрсатишимиз лозим. Шу жиҳатдан хўжаликни бошқаришнинг илғор, илмий жиҳатдан асосланган усулларини қўлланиш катта аҳамиятга эгадир.

Бундай усуллар жумласига чорва моллари туёғини кўпайтириш билан бир қаторда, сермаҳсул мол зотларини етиштириш, уларни боғламасдан боқиш ҳамда районлаштириш ва табиий яйлов имкониятларидан самарали фойдаланиш ва ҳоказолар киради.

Молларни бўрдоқига боқишда биоген стимуляторларни қўлланиш гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг энг самарали усулларидан биридир.

Шу нарса тажрибада тўла исбот этилдики, академик Филатов принципи асосида тайёрланган биоген стимуляторлар ҳайвонларнинг организмига юборилганида бундай моллар бир хил шароитда боқилган, лекин ана шундай стимуляторлар қўлланилмаган молларга қараганда 10 процент, ҳатто ундан ҳам кўп семиради.

Республикамиз ва областимиз колхоз ва совхозлари давлатга бир йилдаёқ 2-3 йиллик план миқдорида гўшт сотишга аҳд қилган ҳозирги вақтда биоген стимуляторларни қўлланиш, айниқса, катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги бу ҳолни назарда тутиб, ветеринария, бактериология лабораториялари ходимларига шу йилдан бошлаб биоген стимуляторлар ишлаб чиқариш тўғрисида кўрсатмалар берди.

Бироқ, Тошкент областида биоген стимуляторлардан белгиланганига қараганда жуда кам фойдаланмоқдалар. Шунинг учун ҳам кўп жойларда бу препарат йиғилиб қолиб, нобуд бўлиш хавфи остида. Қалигача бироита районда биостимуляторлар ёрдамида молларни боқиш ва семиртириш тажрибаси кенг қизитиб юборилмаган.

Бўрдоқига боқиш тўғри ташкил қилинганида ҳар бир қорамол кунига ўрта ҳисобда 600 грамм, бутун боқиш даврида эса (90 кунда) 54 килограмм семиради. Стимуляторлар қўлланганида эса ҳар бир қорамол 60 килограммдан тортиб, 65 килограммгача семириши мумкин. Шунингдек, бир бош чўчқа кунига ўрта ҳисобда 400 граммдан, бутун боқиш даврида эса 36 килограмм семиради. Стимуляторларни қўлланиш натижасида эса ҳар юз бош чўчқа ҳисобига қўшимча равишда 360 килограмм чўчқа гўшти етиштириш мумкин бўлади. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг чорвадорлари худди шундай қилмоқдалар. Улар бу илмий усулни қўлланиб, ҳар бир молнинг кунига илгаригига қараганда 130 граммдан кўпроқ семиришига эришаётирлар.

Шуни ҳам айтиш керакки, биостимуляторлар ем-хашак ўрнини босмайди. Шунинг учун ҳам молларни боқиш яхши йўлга қўйилмаган жойда ундан фойдаланиш кўнгилдагидек натижа бермайди. Жумладан, «Назарбек» совхозида худди шундай аҳвол рўй берди.

Стимуляторлар жуда арзон туради. Лабораториялар уларни хўжаликларга бепул берадилар.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, ферма мудирлари, зоотехниклар ва ветеринария ходимлари гўшт етиштиришнинг бу илмий усулини кенг қўлланишда ташаббус кўрсатиб ишлашлари лозим.

С. Н. МАСЛЕНКОВ.

МЕҲНАТ — ШАРАФЛИ ИШ

Совет кишилари ҳозирги пайтда ажойиб тарихий кунларни кечирмоқдалар. Совет мамлакатининг улуғ халқи шонли Коммунистик партия раҳбарлигида ўзининг мустаҳкам иродаси ва ижодий меҳнати билан кишиларнинг кўп авлодлари орзу қилиб келган коммунизм жамиятини қурмоқда.

Совет кишилари коммунизм идеаллари билан яшамоқдалар. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съезди коммунистик жамият қурилишининг улуғвор программасини чизиб бердики, бу программа ҳозирги кунда совет кишиларининг ижодий ташаббуси ва ғайратини янада ўстириш учун жуда кенг имкониятларни очиб берди. Коммунистик қурилишнинг партиямиз томонидан етти йилликка мўлжалланган улуғвор программаси совет кишиларида ўз она-Ватанига, Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига бўлган муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучлироқ тўлқинлантириб юборди.

Бепоён мамлакатимизга бир назар ташланг — ҳамма ерда совет кишиларининг ижодий меҳнати қайнаган, ҳамма тинч меҳнат билан банд, ҳамма ерда коммунистик меҳнат намуналари намоён бўлмоқда. Совет кишилари ҳозирги кунда ўз олдиларида равшан ва олижаноб мақсад турганлигини ва уни эришиш учун фойдали меҳнат қилиш лозимлигини, меҳнат эса кишини чексиз бахтиёр қилишини жуда яхши билиб олганлар. Коммунистик қурилишнинг улкан фронтида миллион-миллион совет кишиларининг жонбозлик кўрсатаётганликларининг, оммавий меҳнат қаҳрамонликларининг сабаби ва асоси ҳам худди ана шундадир.

«Биз, — деган эди Н. С. Хрушчев КПСС XXI съездида, -синалган ленинча йўлдан барча гов ва тўсиқларни енгиб, ишончи ва қатъият билан олга бормоқдамиз. Альпинистларнинг илғор отряди эришиб бўлмайдиганга ўхшаб кўринган янги чўққиларни дадил ва мардона штурм қилиб, илғор отрядга эргашиб борувчи кишиларга йўл очиб берганидек, Совет Иттифоқи ишчилар синфи, меҳнаткашларнинг жанговар авангарди бўлган бизнинг партиямиз ҳам совет халқини коммунизмнинг нурли чўққилари сари бошлаб бормоқда».

Хўш, коммунизм қуришнинг ўзи нима, унга қандай йўл билан эришилади? Коммунизм қуриш — бу яхши ишлаш, янада унумлироқ меҳнат қилиш демакдир. Тараққийпарвар инсониятнинг улуғ генийси В. И. Ленин меҳнат унумдорлиги янги ижтимоий тузумнинг енгиб чиқиши учун оқибат натижада энг муҳим, энг асосий нарса деб таълим беради. Биз ҳозирги пайтда мамлакатимизда социализмнинг тўла ва узилкесил ғалаба қозонишини таъминладик ва энди ликда социализмдан коммунизмга ўтиш вазифасини оммавий равишда ҳал этмоқдамиз. Мамлакатимизда социализм қурилишида эришилган, қўлга киритилган гоятда катта тарихий ютуқларнинг ҳаммаси совет кишилари фидокорона меҳнатининг натижасидир.

Социализм ва меҳнат бир-биридан ажралмасдир. Социализм меҳнатда қурилди.

«Ишламаган тишламайди» — бу социализмнинг асосий принципи. Бу принцип жамиятимизнинг ҳар бир аъзосидан фойдали ижтимоий меҳнатда бевосита иштирок этишни талаб қилади. Коммунистик партия совет кишиларини коммунистик ахлоқ руҳида, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаб келмоқда. Бунинг натижасида кишиларда меҳнатга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, меҳнат ҳар бир совет кишисининг ҳаёти учун зарурий эҳтиёжга айланиб бормоқда ҳамда шон-шараф ва ҳақрамонлик иши бўлиб қолди.

Мамлакатимизда совет кишилари коммунизм қурилишида ўзларининг онгли меҳнатлари билан актив иштирок этмоқдалар. Меҳнатда ҳар бир киши ўзининг қобилиятини намоён қилмоқда ва меҳнат жараёнида уни янада ривожлантирмоқда. Меҳнат бизда кишини бахтиёр қилаётир, уни улуғламоқда ва чексиз мамнун этяпти. Бунга биз жуда кўплаб мисоллар келтира оламиз.

Бундан бир неча йиллар илгари Ғанишер Юнусовни, Турсуной Охуновани фақат ўзлари ишлаб турган колхоздаги кишилар, нари борса райондагилар унча-мунча танир эдилар. Ҳозир уларнинг донги бутун республикага, бутун мамлакатга ёйилди. Ғанишер Юнусов азим чўлга шерларча ҳужум қилди, чўл бағридан янги-янги ерлар очди, бу соҳада у мустаҳкам идрок, қатъиятлик ташаббус ва ташкилотчилик намуналарини кўрсатди. Партия томонидан совет пахтачилигини янада ривожлантириш соҳасида қўйилган вазифанинг туб мазмунини тушунган ҳолда, янги ер очишда матонатли меҳнат намуналарини кўрсатди, янги очилган ерлардан юқори ҳосил олиш учун курашди. Меҳнат оддий деҳқон Ғанишерни Мирзачўлнинг ҳақиқий шерига айлантирди. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, уста пахтакор, пахтакорларнинг маслаҳатгўйи, шон-шуҳрат қозонган ўзбек элининг ҳақиқий ботиридир.

Ҳалол меҳнат Турсунойнинг бутун орзуларини рўёбга чиқарди — у машҳур механизатор бўлиб етишди. Ўтган йили Турсуной эл хирмонига 210 тонна «оқ олтин» тўкди. Ватанимиз қудрати ва шон-шуҳратини кўтариш бобида Турсунойнинг қилган меҳнати ҳукуматимиз томонидан тақдирланди, унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Унинг овози ўтган йили Катта Кремль саройи минбаридан жаранглаб эшитилди. Шунда қадрдонимиз Н. С. Хрушчев ўзбек қизи Турсунойни ажойиб меҳнат ғалабаси билан қутлаб; «бир киши юз кишининг ишини қилди, офарин» деб, юксак баҳо берди. Турсуной ўзбек халқининг қадрдони. Н. С. Хрушчев томонидан берилган юксак баҳога жавобан бу йил янада самараліроқ меҳнат қилишга отланган. Унинг бу йилги аҳди эл хирмонига 310 тонна пахта тўкишдан иборат. Турсуной ҳозирги кунда пахта даласининг ҳақиқий лочини сифатида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Турсуной ҳақида қўшиқлар тўқилмоқда, турсунойчилар ҳаракати тобора кенг ёйилиб бормоқда. Турсуной ҳалол меҳнати билан, фаровон ҳаёт йўлида, совет кишиларининг бахт-саодати йўлида қилаётган ажойиб меҳнати билан ўз номини шон-шуҳратга бурқади.

Меҳнатда коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини ҳозирги кунда бутун мамлакатимиз, республикамиз ва шунингдек областимизда кундан-кунга кенг ривожланиб, сафлари тобора кенгайиб бораётган коммунистик меҳнат бригадалари кўрсатмоқдалар. Металлург Саид Нуритдинов, фрезерчи Алексей Дегтярев, «Узбекхиммаш» заводининг токари Шамил Гатаулин, электркимё комбинати слесарлари бригадасининг бошлиғи Максим Пашкун, шу комбинат коммунистик меҳнат сменасининг аъзоси аппаратчи Жамила Одинаева ва бошқа коммунистик меҳнат бригадаларининг минг-минглаб аъзолари социалистик жамиятимиз куч ва қудратини янада ошириш соҳасида, она юртимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимизнинг турмушини бундан ҳам фаровон қилиш, мамлакатимизда коммунизм қуриш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Улар коммунизмнинг пионерлари, социалистик Ватанимиз шон-шуҳратини оширувчи ҳақиқий совет ватанпарварларидирлар.

Бизнинг мамлакатимизда кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши аллақачонлар тугатилган, ишлаб чиқариш воситаларининг социалистик мулкчилиги ҳукм суради. Бироқ, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим кишилар онгида капитализмнинг сарқитлари, меҳнатга нисбатан эскича, онгсизларча муносабатда бўлишдек ярамас сарқитлар сақланиб қолмоқда. Завод, фабрика, колхоз ёки совхоз меҳнаткашлари орасида айрим шахслар борки, улар ишда ялқовлик, дангасалик қиладилар; жамиятга оз бериб, ундан кўпроқ юлиб олишга ҳаракат қиладилар, меҳнат интизомини бузадилар.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, бизнинг жамиятимизда меҳнат қилмай, яъни ижтимоий фойдали меҳнатдан ўзини четга олиб, ўғрилик қилиб юрувчи шахслар ҳали ҳам учраб туради. Масалан, совет-колхоз бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини деҳқон қўлидан арзонгаровга сотиб олиб, сўнгра уни шаҳар аҳолисига, ишчи ва хизматчиларга оширилган нарх билан сотувчи чайқовчини ўғри, меҳнаткашлар ҳақига хиёнат қилувчи муттаҳам десак, ҳато қилмаган бўламиз. Улар чайқовчилик йўли билан ишчи ва хизматчиларнинг чўнтакларидаги пулни ўзларинiки қилиб оладилар ва яна ўзларини меҳнат билан яшаётган кишилар қилиб кўрсатишга уринмоқчи бўладилар.

Бу ҳақда Н. С. Хрушчев КПСС XXI съездида бундай деган эди: «Коммунистик қарашлар ва ахлоқ нормалари капитализм қолдиқларига қарши курашда барқарор бўлмоқда. Бизда кўпинча ҳали ҳам шундай кишилар учрайдики, бу кишилар ижтимоий меҳнатга виждонсизлик билан қарайдилар, чайқовчилик билан шуғулланадилар, интизомни ва жамоат тартибини бузадилар. Капитализмнинг бу қолдиқлари ўз-ўзидан йўқолиб кетишини кутиб, хотиржам бўлиб ўтириш ярамайди, бу қолдиқларга қарши қатъий кураш олиб бориш, ҳар қандай буржуа қарашларга ва ахлоқларга қарши, жамият қоидаларига хилоф ҳаракат қиладиган элементларга қарши жамоатчилик фикрини кўзгатмоқ зарур».

Коммунизм ва меҳнат бир-биридан ажралмас эканлиги, меҳнат унумдорлигини тобора ошириб бориш коммунистик жамиятни муваффақиятли қуришнинг омили эканлиги совет кишиларини меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни тақоза қилади. КПСС XXI съезди идеологияда ишларимиз соҳасида кўрсатиб берган бу конкрет ва муҳим вазифалар ҳаётий аҳамиятга эгалир. Биз ҳамма моддий ва маданий неъматларнинг яратувчиси бўлган меҳнат кишиларнинг энг биринчи ҳаётий эҳтиёжи бўлиб қолиши учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Ижодкор ва меҳнатсевар совет халқи шонли Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизмнинг нурли чўққилари сари шаҳдам қадамлар билан бормоқда.

С. ОРИПОВ.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
2-БЕТ, 23 НОЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

СЎТА ИИҒАДИГАН АЖОИИБ МАШИНА

Қозоғистон Қишлоқ хўжалик Фанлар академиясининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти ходимлари ажойиб сўта йиғиш машинаси конструкциясини яратдилар ва ўз тажриба заводларида унинг дастлабки нусхасини тайёрладилар.

Габарити кичик бу машина мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган шу хилдаги машиналарга нисбатан кўп афзалликларга эга. У ҳар қандай тезликда ҳам сифатли ишлайберади, бўйи баланд ва қалин ўсган жўхоризордан ҳам ўсимликни зарарламасдан сўтасини қайириб олади.

Янги машинага машинасозлар ва жўхорикорлар юксак баҳо беришди. Унинг конструктив соддалиги, мустаҳкамлиги ва бир сменада 12 гектар ердаги жўхори сўтасини йиғиб олиши жўхорикорларга айниқса маъқул бўлди.

ТЎРТ ЭТАЖЛИ ЯРИМ АВТОМАТ ЛИНИЯ

Харьковдаги «Южкабель» заводида резина-изоляция қоришмаси тайёрлайдиган гигант ярим автомат линия ишга туширилди. Мамлакатдаги энг йирик автомат ускуналардан бири бўлган бу линия механизмлари завод ишлаб чиқариш корпусининг тўрт этажини эгаллайди. Жуда кўп миқдордаги бор, тальк, каолинларни элаш, қуритиш ўлчаш шунингдек, уларни каучук билан аралаштириш сингари кўп меҳнат талаб қилинадиган ишларнинг ҳаммаси эндиликда инсон ёрдамисиз, узлуксиз поток тарзида бажарилади.

ПЎЛАТ ЎРНИГА ГРАФИТ

Ростов областидаги Новочеркасск электрод заводи кимё саноатида жуда кенг қўлланиладиган иссиқлик алмаштирувчи машинанинг янги нусхасини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Блокли ва трубасимон бу иссиқлик алмаштирувчи аппарат тўйинтирилган графитдан тайёрланаётир. Бундай график эса мустаҳкамлиги жиҳатидан қўрғошин ва зангламайдиган пўлатдан қолишмайди. Шунинг учун ҳам заводда қимматли рангли металл ўрнида тўйинтирилган графит ишлатилаётир.

КЎЧМА РЕНТГЕН АППАРАТ

Ленинград Халқ хўжалик кенгаши электротехника саноати бошқармасига қарашли рентген аппаратуралари бўйича махсус конструкторлик бюроси коллективи микрофокусли рентген установкаси яратди. Унинг тажриба нусхаси синовдан муваффақиятли ўтди.

Янги установка металларни ва бошқа кристалл моддаларни рентгеноструктура ва спектраль анализ қилишда сира хато қилмайди. Бу аппаратнинг оғирлиги атиги 30 килограмм бўлиб, уни истаган ерга олиб бориш ва ўрнатиш мумкин.



Янгийўлдаги консерва заводининг коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бир қаторда унинг сифатини тобора яхшиламоқда. Суратда: завод лабораториясининг мудири Сара Аликова иш устида. А. Заблоцкий фотоси.



(22 ноябргача бўлган маълумот)

Районлар ва совхозлар номи	Бир кунда процент ҳисобида		Мавсум бошидан процент ҳисобида		Машина терими, мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида	
	Мажбурият	План	Мажбурият	План	Бир кунда	Мавсум бошидан
РАЙОНЛАР БЎЙИЧА						
Юқори Чирчиқ	0·02	0,03	97,44	119,50	—	113,34
Қуйи Чирчиқ	0·08	0,09	83,16	95,67	—	84,74
Ўрта Чирчиқ	0,06	0,07	77,31	84,86	0,03	69,09
Пискент	0·17	0,19	75,08	81,20	—	82,01
Бўка	0,15	0,16	74,70	81,71	0,08	93,56
Чиноз	0·14	0,15	73,24	78,16	—	45,38
Сирдарё	0,11	0,12	67,82	72,56	—	65,46
Оққўрғон	0·07	0,08	66,87	75,33	0,07	60,47
Оржоникидзе	0,63	0,74	66,83	78,01	—	47,00
Янгийўл	0·13	0,14	64,68	73,36	—	47,49
Гулистон	0,03	0,03	60,60	69,54	—	54,36
Янгиер	0·05	0,05	59,99	65,16	0,10	68,78
Бекобод	0,05	0,06	58,33	67,55	0,2	61,77
Область бўйича	0,11	0,12	68,73	75,52	0,06	64,85
СОВХОЗЛАР БЎЙИЧА						
«ЎзССР беш йиллиги»	0,07	0,07	81,40	91,79	—	85,24
«Пискент»	0,20	0,23	72,46	82,03	—	88,66
«Бўка»	0,14	0,17	71,00	88,75	0,43	100,31
«Малик»	0,13	0,16	70,31	84,38	—	81,52
«Фарҳод»	0,11	0,11	66,26	67,73	—	72,15
«Социализм»	—	—	65,68	82,63	—	75,00
1-«Далварзин»	0,06	0,07	63,50	70,90	0,17	70,15
«Оққўрғон»	0,08	0,10	62,97	69,49	0,14	60,37
«Гулистон»	—	—	61,95	102,14	—	68,45
1-«Боёвут»	0,08	0,09	61,83	68,19	0,17	70,42
Киров номли	—	—	60,13	69,34	—	40,77
3-«Боёвут»	0,05	0,06	57,53	62,42	0,13	80,60
«Мирзачўл»	0,07	0,09	55,98	70,50	—	32,68
2-«Далварзин»	0,03	0,05	52,33	66,15	0,11	66,69
«Чаноқ»	0,08	0,11	51,89	67,96	0,27	52,94
2-«Боёвут»	—	—	46,75	49,48	—	57,00
«Дружба»	—	—	40,82	42,76	—	8,29

РЕСПУБЛИКАМИЗ ОБЛАСТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ

22 ноябрга қадар Хоразм области бир кунда 0,38 процент, мавсум бошидан бери 106·16 процент, Қорақалпоғистон АССР бир кунда 0,87, мавсум бошидан бери 93,33 процент, Андижон области бир кунда 0,24, мавсум бошидан бери 90·39 процент, Сурхондарё области бир кунда 0,21, мавсум бошидан бери 84,47 процент, Самарқанд области бир кунда 0·32, мавсум бошидан бери 82,98 процент, Фарғона области бир кунда 0,18, мавсум бошидан бери 78,09 процент, Тошкент области бир кунда 0,12, мавсум бошидан бери 75·52 процент, Бухоро области бир кунда 0,27, мавсум бошидан бери 71,9 процент пахта тайёрладилар.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Тошкент машина-экскаватор станциясининг коллективи янги ерлар очиш, қўриқ ва бўз ерларга сув чиқариш ва шу йўл билан қишлоқ хўжалиги оборотидаги экин майдонларини янада кенгайтириш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Экскаваторчилар етти йилликнинг иккинчи йили топширигини ҳам муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олган эдилар. Бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилган бу коллектив эл-юрт олдида берган ўз сўзининг устидан чиқди. Йиллик план бўйича 5 миллион 300 минг кубометр ер ишлари бажарилиши лозим бўлгани ҳолда ҳозиргача қарийб 5,5 миллион кубометр ер ишлари бажарилди. Шундай қилиб, йиллик план ҳозирнинг ўзидаёқ ортиғи билан адо этилди.

Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда бригадалар ўртасида социалистик мусобақани кенг қизитиш, экскаваторларнинг иш унумдорлигини ошириш ҳал қилувчи роль ўйнади. План бўйича ҳар бир экскаватор 305 минг кубометр тупроқ ишларини бажариши лозим эди. Амалда эса бу кўрсаткич 357,2 минг кубометрни ташкил этди. Ҳозирнинг ўзидаёқ йиллик планни 113—118 процентга етказиб бажариб қўйган И. Роменский ва М. Ничукин ўртоқлар раҳбарлигидаги бригада аъзолари айниқса зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Экскаваторчилар коллективи КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини ишлаб чиқаришда муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун йил охиригача пландан ташқари яна 900 минг кубометр тупроқ ишларини бажаришга аҳд қилди.

С. АМИЛОВ,
область партия комитетининг инструктори.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

СССР Ташқи ишлар министрлиги 1960 йил 21 ноябрда АҚШнинг Москвадаги элчихонаси ҳарбий ҳаво атташесининг ёрдамчиси майор Макдональдга 48 соат мобайнида Совет Иттифоқидан чиқиб кетишни таклиф этди. Макдональд СССРда дипломатия ходими статусига тўғри келмайдиган разведка ишлари билан шуғулланган.

Хабардор органлар томонидан аниқланишича, Макдональд Совет Иттифоқига келиши билан АҚШ элчихонаси ҳузуридаги ҳарбий ҳаво атташеси аппаратининг разведка ишларида актив иштирок қила бошлаган. Макдональд СССРда бўлган бир ярим йил ичида разведка мақсадида мамлакат бўйлаб кўп марта сафар қилган, ана шу сафар вақтида ҳарбий ва ҳарбий-саноат объектлари жойлашган ерларга суқулиб киришга уринган.

Макдональд Курган шаҳрига борган вақтда, ҳарбий объектларни фотосуратга олиш пайтида жиноят устида қўлга тушган. Москва-Курган маршрутида бўлган ва Америка разведкасини қизиқтирган мудофаа объектлари ҳақида разведка маълумотлари ёзилган блокнотлар унинг ёнидан олинди.

СССР Ташқи ишлар министрлиги Макдональднинг СССРда қилаётган разведка ишларига йўл қўйиш мумкин эмаслиги ҳақида уни огоҳлантирган эди.

Аммо, Макдональд шундан кейин ҳам разведка маълумотлари тўплаш билан шуғуллана берган ва разведка мақсадида мамлакат бўйлаб яна бир неча марта сафар қилган.

Макдональд шу йил 18 октябрда Харьков шаҳри атрофидаги ҳарбий қисм ва мудофаа заводи жойлашган районда ҳарбий патруль томонидан ушланди.

Макдональд қўлга тушган вақтда ўзини Харьков шаҳрининг «диққатга сазовор жойлари» билан танишиб чиқиш мақсадида мамлакат бўйлаб анчайин саёҳат қилиб юрган чет эл туристи қилиб кўрсатишга уринди.

Юқорида баён қилинганларга биноан, СССР Ташқи ишлар министрлиги АҚШнинг Москвадаги элчихонасига норозилик билдирди ва элчихона ҳамда ҳарбий атташе аппаратлари ходимларининг шу хилдаги ҳаракатларига йўл қўйиш мумкин эмаслигига элчихонанинг эътиборини яна жалб этди.

Халқаро аҳвол

БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида

НЬЮ-ЙОРК, 22 ноябрь. (ТАСС). Бош Ассамблея кеча эрталаб Конгонинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотида вакиллиги тўғрисида ваколатни текширувчи комитет тақдим этган докладни яна муҳокама қила бошлади. Маълумки, Америка делегациясининг тазйиқи остида мустамлакачи давлатлар томонидан шошилинч суратда тузилган бу комитет Касавубу бошчилигидаги гуруҳни Конго Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги вакиллари сифатида тасдиқлаш тўғрисидаги тавсияни қабул қилган эди.

Мажлис бошланган чоқда Камерун ташқи ишлар министри Окала жавоб бериш ҳуқуқидан фойдаланди. У ўзининг бемаъни нутқида мустамлакачи давлатларнинг Конго масаласидаги позициясини ҳимоя қилди ва Гана ҳамда СССР вакиллари шаънига бўлмағур гаплар айтди. Унинг нутқи шу қадар дағал ва беҳаё эдики, ҳатто, раислик қилувчи Болэнд уни тартибга чақиришга мажбур бўлди.

Окаланинг бемаъни гапларига жавоб қайтарган Гана вакилининг нутқидан кейин Гвинея жамоат ишлари, коммуникация ва алоқа министри Исмоил Туре нутқ сўзлади.

АҚШнинг қаттиқ илтимосига мувофиқ, Касавубу, фашист Мобуту ва ҳоин Чомбе Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Конго халқи номидан гапириш ҳуқуқига эга бўлишни истайди, деди Туре. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Касавубу ваколатини тасдиқлаш билан Конгонинг қонуний ҳукумати ва парламентига қарши курашда уни қувватлаган бўлади, Катанганинг бўлиб юборилишини ва Конгонинг бирлиги принципидан воз кечганлигини расман эътироф қилган бўлади, Бельгиянинг бир томонлама ҳаракатларини тасдиқлаган бўлади. Бутун дунёдаги сотқин режимларни қўллаб-қувватлаётган Ғарб ҳукуматларига ишониш, деди Гвинея делегати, хато бўлур эди.

Туре ўзининг охирида Бош Ассамблеяни огоҳлантириб айтдики, Касавубу бошчилигидаги бир гуруҳ кишилар Конго делегацияси сифатида тасдиқланадиган бўлса, Гвинея Конгога борадиган яраштириш комиссияси составидан чиқиб кетади.

Эрталабки мажлисда Мали ва Югославия вакиллари ҳам гапирдилар. Улар ваколатни текширувчи комитетнинг тавсиясини қўллаб-қувватламаймиз, дедилар.

ЯПОНИЯДА САЙЛОВЛАР

ТОКИО, 21 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда парламентнинг қуйи палатасига кеча ўтказилган сайловларнинг якунлари маълум бўлди. 467 депутатлик мандатлари қуйидагича тақсимланди: либерал-демократик партияси — 297, социалистик партия —145, Япония Коммунистик партияси — 3, демократик социализм партияси — 16, бошқа партиялар— 6 мандат олди. Қуйи палатанинг илгариги составида либерал-демократик партиянинг 283 депутати, социалистик партиянинг 122 депутати, коммунистик партиянинг 1 депутати ва демократик социализм партиясининг 40 депутати бор эди.

Молия доираларининг ҳукмрон либерал-демократик партия фойдасига олиб борган сайлов кампанияси учун сарфлаган миллиардларча иена маблағ бу партияга парламентнинг қуйи палатасидаги мандатлар сонини кўпайтиришга имкон берди. Ҳукмрон доираларнинг ҳамма найранглари ва лўттибозликларига қарамай, прогрессив арбоблар ва ташкилотларга қарши хуружлар ва тўғридан-тўғри игвогарликларга қарамай, мамлакатнинг демократик кучлари парламентдаги депутатлик ўринларининг ўндан биридан кўпроғини эгаллаб, сайловларда катта муваффақият қозондилар. Япония Коммунистик партияси парламентдаги ўринлари сонини кўпайтирди. Парламентнинг қуйи палатасида Япония социалистик партиясидан депутатлар сони сезиларли даражада ўсди. Айни вақтда раҳбарлари амалда Япония-Америка реакциясининг тўғридан-тўғри малайларига айланиб қолган демократик социализм ихтилофчи партияси қақшатғич зарбага учради.

Япония социалистик партияси марказий ижроия комитетининг аъзоси Огасавара сайлов якунларига баҳо бериб, ТАСС мухбирига айтдики, бу сайловларда япон халқи Япония — Америка «хавфсизлик шартномаси»га қарши ва бетарафлик сиёсати учун курашни қўллаб-қувватлади. Япония Коммунистик партияси Марказий Комитетининг сайлов масалалари бўйича бўлим мудири Камэяма парламентда Коммунистик партия депутатлари сонининг ва Япония Коммунистик партиясини ёқлаб берилган овозларнинг кўпайишини ҳукмрон доиралар томонидан қилинган бўҳтон ва репрессияларга қарамай, қўлга киритилган катта ғалаба деб баҳолади.

КОНГОДА АҲВОЛ

Мобуту солдатлари билан БМТ қўшинлари ўртасида тўқнашиш

НЬЮ-ЙОРК, 22 ноябрь. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги мухбирининг Леопольдвилдан хабар беришича, Мобуту «бош комиссарлар кенгаши» Конго Республикаси тупроғидан дарҳол чиқиб кетиш тўғрисида Гананинг Конгодаги ишлар вакилига ультиматум берган.

Мобуту Гананинг Леопольдвилдаги ишлар вакили Уэлбекни ва Гана элчихонасининг 8 ходимини Лумумба ҳукуматига ёрдам беришда айблаб, уларни мамлакатдан чиқариб юбориш ҳақида буйруқ берган.

Гананинг Леопольдвилдаги элчихонаси бу хилдаги фармойишни мамлакатнинг қонуний маъмурларигина бера олишини асос қилиб кўрсатиб, қўғирчоқ Мобутунинг буйруғини бажаришдан бош тортган. Уэлбек журналистларга: «Мен бу ерда қоламан» деган.

ПАРИЖ, 22 ноябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Леопольдвилдан хабар беришича, кеча Конгонинг 300 га яқин солдати Мобутунинг фармойишига мувофиқ, бронемашиналар ёрдами билан Гана элчихонасини қуршаб олган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўшинлари қаторида бўлган ва Гана элчихонасини қўриқлаб турган бир ротага яқин Тунис солдатлари элчихона паркида ҳарбий позицияларни эгаллаганлар, бу ерда Гана полициячилари ҳам бор эди.

Ички ишлар бош комиссари Нусбаумер кеча айтдики, Гана ишлар вакили Конго тупроғидан чиқиб кетмаган тақдирда, Мобуту солдатлари «элчихонага бостириб киradилар».

НЬЮ-ЙОРК, 22 ноябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабар беришича, Мобуту солдатлари кеча кечқурун Гана элчихонасини қўриқлаб турган БМТ қўшинларига ҳужум қилганлар.

ЛОНДОН, 22 ноябрь. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Леопольдвилдан хабар беришича, Гана элчихонасини қўриқлаб турган Тунис қўшинлари, билан Мобуту солдатлари ўртасида шиддатли отишма бошланган.

ФРАНЦИЯ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ САДОСИ

ПАРИЖ, 21 ноябрь. (ТАСС). Франция хотин-қизлари союзининг 7-съезди кеча бу ерда ўз ишини тамомлади. Бу съездда Франция аҳолисининг турли табақаларига мансуб бўлган 900 дан кўпроқ делегат қатнашди.

СССР, Польша, Руминия, Венгрия ва Чехословакия хотин-қизлари делегацияларининг съезд ишида қатнашмоқ учун Парижга келишлари керак эди. Бу делегацияларнинг келишига рухсатнома берилмади. Шу сабабли, съезд делегатлари республика президенти де Голлга норозилик хати юбордилар.

Съездда бир оғиздан қабул қилинган резолюция Жазоирда уруш ҳаракатларини дарҳол тўхтатишни ва Жазоир Республикаси муваққат ҳукуматининг вакиллари билан музокаралар бошлашни талаб этади. Съезд уруш орқасида рўй берган қашшоқликдан жафо чекаётган Жазоир болалари билан бирдамлик ва уларга ёрдам кампаниясини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Съездда 1961 йил 22 январь куниии Ғарбий Германия қўшинларининг Франция территориясида жойлаштирилишига қарши миллий норозилик куни деб эълон қилишга қарор берилди. Тингловчилар Франциянии босиб олган вақтда худди ўша куни француз хотин-қизларини биринчи марта каторгага юборган эдилар. Булар орасида Франция хотин-қизлари союзининг ташкилотчиси ва машҳур жамоат арбоби ватанпарвар Дониэль Казанова ҳам бор эди.

Съездда қабул қилинган бошқа бир қарорда айтилишича, 1961 йил 8 март куни бутун мамлакатда ёппасига қуролсизланиш учун, бутун дунё хотин-қизлари ўртасида дўстлик учун, тинчлик учун кураш миллий куни сифатида нишонланади.

Делегатлар Франция хотин-қизлар союзининг раҳбар органларини сайладилар.

ГЕНДЕРСОН ҚЎҒИРЧОҚ ЧОМБЕГА ИНСТРУКТАЖ БЕРМОҚДА

ЛОНДОН, 21 ноябрь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг хабар беришича, Африка мамлакатлари бўйича «танишиш» сафари қилиб юрган АҚШ давлат секретари ўринбосарининг ўринбосари Лой Гендерсон кеча Конгодаги Катанга виloятининг маъмурий маркази Элизабетвилда тўхтади ва Катанганинг қўғирчоқ «ҳокими» Чомбе билан музокаралар олиб борди. Ўша куниёқ Гендерсон самолётда Мадагаскарга учиб кетди.

ҚАРДОШЛАРИМИЗ АДАБИЁТИДАН

ПИЁЛА

Шарбону ҚУМОРОВА.

ҲИКОЯ

<>

— Ҳай, Қалинжон, катта опангни чақир, чойга келсин.

Сарқит гапини тугатиб улгурган ҳам йўқ эдики, ташқаридан шовқин солиб кириб келаётган «катта опа»нинг қалтироқ боши кўринди.

— Мана шу ишинг яхшида сенинг! Менсиз томоғингдан қилтаноқ ҳам ўтмайди. Бурнини энголмайдиган болангга ялингунча менинг ўзимга айтмайсанми. Ух, жоним-ей қани, ейдиган ниманг бор дастурхонда?

— Ҳай ниманг бор деб қараб тургунча ўтирсангчи. Сен тўйдиган ош топилиб қолар, ахир. Борим бўлса сендан аярмидим? — Қоққан қозиқдай қаққаймай, бундай тиз чўкиб ўтирсанг-чи, деб кулди Сарқит.

— Нафасингдан айланай, шундай демасанг Сарқит бўлармидинг. Анчайин ҳазил қилаяпман-да. Бошқаларга ҳам ҳаддим сиғсин-чи? Бисмиллои раҳмони раҳим... бай-бай, ҳай, асал-а асал. Ҳой Сарқит қаймогингдан кўпроқ қуй.

— Ёлғиз одамнинг томоғидан овқат ўтади, дейсанми? Сенга жуда ўрганиб қолибман... Бунинг устига, ҳалигидай, Жума аканг ҳам бу ерда эмас. Боласи тушмагурнинг еганичкани бор бўлсин, қуриқ нонни чала-чулпа ковшаб, чойдан бир-икки хўплайди-да, аим-зиё бўлади... Олиб ўтир, анови сушкани чойга тўғраб емасанг тошдай қаттиқ экан. Сен тахта чой хуштам бўлмайди дегандингдан кейин, капаратдан ҳинд чойидан олдирдим. Ол, олиб ўтир... Энди гапнинг бу ёғини эшит.

— Ҳангома демоқчи, ўзи одамлар ҳам, оёғи қолиб оғзи билан юрадиган бўлиб кетипти. Анов Кенгашбекнинг, катта оғиз хотини икковимизни маломат қилиб, сиртимиздан пасту-баланд гап тарқатиб юрган кўринади. Буни мен катта уйдаги янгамдан эшитиб қолдим. Изза бўлганимдан: Жинни бўпти, бизни ёмонлагунча ўзини эпласин, дедим. Кимни оғзидаги шакарини тортиб, қўлидаги давлатини қирқиб олибмиз-а, Сарқитой? Бу нима қилгани у яшамагурни? — деди.

— Вой, Кулимхони тушмагурей, ахир эл оғзига этак тутиб бўладими, биз қайси бирининг оғзини бойлаб қўяоламиз. Нима деса, дейишаверсин. Кўргани кўзи, отгани ўқи бўлмагач, нималар демайди. Бор бўлсанг кўролмайди, йўқ бўлсанг беролмайди деб ўшандақаларни айтади-да, овсин. Бўлмаса бу одамларнинг арпасини хом ўрибмизми? Худонинг берган рисқи, шукур, кўнглимиз кенг. Иккаламиз ҳам уйларимизни гулдай яшнатиб ўтирибмиз, балки шунга куйиб, жонлари чиқаётгандир. Ўзларича ит бўлиб ирилламаверсин, бизга нима... Ичсангчи, қуюқроқ қилиб берайми? — деди Сарқит фамил чойни хўр-хўр ичаркан.

— Қўйчи кишининг жинига тегади улар. Худога шукур замон тинч... Сеники, меники деган гаплар ҳам қолиб бораяпти. Юрагига қил сиғмайди-да, уларнинг кўнгли ўлгундай тор... Вой, бечора овсинимей, пиёла қуриб кетгандай, стаканда чой ичиб ўтирганинг нимаси? Энди қарабман-а,— деб Сарқит Кулимхонга сўз бермай, уёқ-буёғини тимирскилади.

— Икки чиннининг бирини, манов яшмагур, астоғфурулло битта-ю битта боламга тил текиздима, боягина синдириб чил-чил қилди қўйди.

Табиати беқарор, баъзи-баъзида битта-яримтага чиройи очилиб гапирмаса, ҳамма вақт тунд бир қиёфада юрадиган бу қўли қаттиқ аёл, негадир Сарқит билан яхши чиқишар эди. Феъл-атвори бир-бирига зид бўлган бу аёлларнинг қандай қилиб дўст бўлиб кетишганига баъзан таажжуб ҳам қиласан. Чумолидай ўрмалаб, эрта-кеч бир-бирининкидан оёқ узишмайди. Қачон қарама, иккаласи юмалоқ столнинг икки ёғини эгаллаб олиб, лаблари тинчимайди. Баъзан чойлар тугаб кетса ҳам уларнинг ҳангомалари адо бўлмайди. Сарқит Кулимхонга, яқинлашган сайин унинг баъзи феълларини бунга ҳам ўта бошлади. Халқнинг қозонга яқинлашсанг қораси юқар, деб айтган сўзлари бечиз эмас экан. Сарқит Кулимхонни ҳурмат қилар, ундан ҳеч нарсасини аямасди. Ҳаммасидан ҳам Қалинбекни айтсангчи. Куни туғиб, икки уйнинг эркасига айланди. Сарқитнинг азалдан дастурхони очиқ, тўкин-сочин эди. Бироқ қанчалик келди-кетдиси кўп бўлса ҳам, пазандаликка нўноқлик қиларди. Кулимхон нонни қулинг ўргулсин қилиб ёпади. Қалинбекнинг иши масза. Егани олдида, емагани ортида. Сақичдай чўзилган оппоқ нонга меш саначга солиб қўйилган хил-хил сари ёғни суртади, лунжига уриб, шоша-пиша ейди да, сўнг ўтирган жойида данг қотиб ухлаб қолади.

Катта опаси Кулимхон Қалинни ёғган жойидан кўтариб олиб пар тўшакка ётқизади. Узоқ ҳангомалардан бир-бир айтиб тугатгунларича, тун алла-палла бўлиб қолади. Уйга ёлғиз чиқиб кетишга эринади-да, ўзи ҳам шу ернинг ўзида тунаб қўяқолади.

Мана шуларнинг барини ўйларкан гоҳо Сарқитнинг ўзи ўзидан хурсанд бўлиб қўяди.

«Одамнинг кўнглидагини топа билсанг, ҳарнима қилиб йўлга солар экансан. Шу Кулимхон шўрликни эл-юрт нималар демади? Бекордан бекорга боёқишнинг уволига қолиб юрар экан-а. Бўлмаса менинг шохбутоғим бормики, уни илинтириб олсам? — дерди Сарқит.

— Ойи қорним очди.

— Туратурсанг, тойчоғим, бироз сабр қилсанг, анов катта опанг нон қовурдоқ қилаяпти. Шунинг учун чой ҳам қўйганим йўқ.

Иш кунларининг бирида Жумабой у ёқ-бу ёққа олазарак қараб, уйга кириб келди.

Сарқит азалдан қўли очиқ жувон. Бугун эса унинг жуда тантилиги тутган эди. Эри олиб келган қантқурсларнинг ярим-ёртисини Кулимхоннинг олдига қўйди. Газламадан ҳам бир кўйлакликини бериб юборди.

Лекин бир нимани ўроғлиғича очмай, секин сандиқнинг тегига ташлади. Ҳаммасидан ҳам шу иши ёмон бўлди. Шу баҳона бўлди-ю икки ўртадаги алоқа пичоқ билан кесгандай бузилди қўйди...

Бу можаро пиёладан бошланди. Пиёла танқислигини кўп бошдан кечирган Сарқит куёви олиб келган тўртта қиммат пиёланинг ҳаммасини ўроғлиғича ташкини бузмай сандиққа солиб қўяқолган эди. Бундай қилганда у: Кулимхон ўзимизники, у стаканда ҳам ичаверади. Лекин ҳар замонда келадиган меҳмон олдига стаканда чой қуйсам уят бўлади,— деб ўйлаган эди.

(ДАВОМИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА).

Тошкент оқшомлари

ЯНА ЯНГИ МАШИНА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Механика институтининг ходимлари «Ташсельмаш» заводи конструкторлари билан ҳамкорликда «АНТХ» маркали янги пахта териш машинасини яратдилар. Бу агрегат ҳозир ишлаб чиқарилаётган машиналардан анча фарқ қилади. Унда агрегат осма бўлиб, терим вақтида чигит экиш ва ғўзани ишлашда машғул бўлган тракторларнинг ўзидан фойдаланиш имконини беради. Ана шу қулайлик машинани ясаш учун одатда сарфланадиган металлни ярмига камайтириш ва қимматини ҳам шунча арзонлаштириш имконини беради. Машина универсал бўлиб, пахта ва кўрак териш учун мўлжалланган мосламалар билан таъминланган. Махсус вентиляцион установка пахта бункерга тушиши олдидан уни тозалайди.

Ўрта Осиё машина синаш станциясида ўтказилган синовлар янги агрегатнинг терим сифати жиҳатидан «ХВС-1,2» машинасидан қолишмаслигини кўрсатди. Янги машинани ишлаб чиқариш анча енгил бўлади, чунки деталларнинг 70 проценти ҳозир чиқарилаётган пахта териш машиналаридан олинган. (ЎзТАГ).

БУ ЕР ОБОД ЖОЙ БЎЛАДИ

Шу кунларда Навоий проспектининг Комсомол майдони билан Чорсу ўртасидаги қисмининг ўнг томонида иш қизғин. Экскаватор, бульдозер ва самосвал машиналар тинмай ишлаб турибди. Бу ернинг келажакда қандай жой бўлиши ҳаммани ҳам қизиқтирмоқда.

Илгари Тошкентнинг энг кўримсиз жойи ҳисобланган бу ерда беш қаватли, 48 квартирали бино қуриш планлаштирилди. Ҳозир котлован қазиш ва планировка ишлари олиб борилмоқда. Бино учун уч миллион 564 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шу уй-жой бинои ёнида тўрт қаватли Советлар уйи қад кўтаради. Бинога Октябрь район партия комитети ва район ижроия комитетининг аппаратлари жойлашади.

ТУҚИМАЧИЛАР УЧУН

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг коллективи етти йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун илғор техникани ишлаб чиқаришга кенг жорий қилмоқда. Корхонада яқинда яна бир техника ютуғи қўлга киритилди. Завод конструкторлари эксперименталь цехи ходимлари билан ҳамкорликда «КО-176-Н» маркали янги йигирув машинаси яратдилар. Бу машина шу вақтгача қўлланиб келинган «К-132» ва «К-176-2» йигирув машиналарининг иккаласининг ҳам ўрнини босади. У меҳнат унумдорлигини икки марта оширади. Машинани тайёрлаш учун сарфланадиган металл бир ярим марта камаяди.

ЮБИЛЕЙ КИНОФИЛЬМЛАРИ

Улуғ рус ёзувчисининг вафотига 50 йил тўлиши муносабати билан пойтахт экранларида «Толстой — улуғ ёзувчи», «Толстой Ясная Полянада», «Толстой қўлёзмалари» каби ҳужжатли фильмлар намойиш қилинмоқда. Ёзувчи асарлари асосида ишланган «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Сергей ота», «Зулмат ҳукмронлиги» каби бадиий фильмлар ҳам тамошабинлар диққатини жалб этмоқда.

«Мосфильм» киностудияси юбилей муносабати билан ёзувчининг «Тирилиш» романи асосида бадиий фильм тайёрлаб, мамлакат кинотеатрлари экранларига чиқарди. Толстойнинг «Казаклар» асари асосида ҳам бадиий фильм яратилаётир.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ


РЕСПУБЛИКА ФУТБОЛ ЧЕМПИОНАТИДА

Қизғин курашлардан сўнг ниҳоят республика футбол чемпионати тугади. Бу йилги мусобақа илгариги йиллардагидан катта фарқ қилди. Ўйинларда 12 та энг кучли команда қатнашди. Улар тўрт зонага бўлиниб, ўзаро икки давра ўйин ўтказдилар.

Биринчи зонада «СКА II», иккинчи зонада «Химик» (Чирчиқ), учинчи зонада «Меҳнат» (Термиз), тўртинчи зонада эса «Текстилькомбинат» (Тошкент) командалари финалга чиқдилар. Бу командалар ўйин давомида юксак техника ва тажрибага эга эканликларини кўрсатдилар. Финал мусобақа ҳам қизғин бўлди. Командалар ўзаро икки мартадан учрашдилар. Натижа қуйидагича бўлди: «СКА II» (Тошкент) командаси биринчи ўринни, «Химик» командаси иккинчи ўринни, тўқимачилар учинчи ўринни олдилар. Бу командалар спорт жамияти ва ташкилотлари Союзи республика Советининг ёрлиқ ва дипломлари билан мукофотландилар.

Б. ПУЛАТОВ,
З. УМАРОВ.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
4-БЕТ, 23 НОЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.



Суратда: Тошкент Давлат университетини ҳинд-филология ка федрасининг ўқитувчиси Маден Мохан Хардат шарқ факултети студентлари билан суҳбатлаш моқда.
И. Душкин ва А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўсимликлар ҳазинаси

Бир учи шаҳарга туташган собиқ «Суръат» колхозининг Салор бўйидаги ерлари бундан 10 йил муқаддам ҳувиллаган бўм-бўш жой эди. Бу ердаги кенг далаларнинг айрим участкаларигагина колхоз экинлари экиларди.

... 1950 йил, 9 ноябрь. Шу куни Салор бўйидаги кенг ерга биринчи дарахт ўтқазилди. Ана шундан бошлаб республика Ботаника боғига асос солинди. Мана, орадан ўн йил ўтди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника боғи ўсимликлари дунёси бойлиги жиҳатидан Совет Иттифоқида биринчи ўринга чиқди, Ўрта Осиё республикалари ўртасида йирик илмий муассасага айланди.

Илмий ходимлар, ишчилар, мироблар, лаборантлар, миришкор боғбонларнинг ғайрат ва ташаббуси билан илгари бўш ётган 80 гектар ерга жон кирди, обод бўлди, ҳар хил дарахтлар ва гулларга кон бўлди. Боғнинг 40 гектар майдонни иншоол қилган дендропаркида Америка, Европа, Узоқ Шарқ, Хитой ва Ўрта Осиёда ўсувчи 2500 хил дарахт ва бута тўпланган. Масалан, фақат Хитой Халқ Республикасида ўсадиган дарахт ва буталардан бу ерда 650 таси бор. Дори-дармон олишда фойдаланиладиган ва техникада қўлланиладиган ўсимликлар ва гулларнинг хили 4,5 мингга боради.

Ботаника боғи йирик илмий база ҳисобланади. Республика иқлимига мослаштирилган ўсимликлар бу ердан Ўзбекистоннинг бошқа жойларига тарқалади. Ана шу боғнинг коллекцияларига асосида В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети, Ўзбекистон давлат университети, Тошкент қишлоқ хўжалик институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, Фарғона педагогика институтида ва Қорақалпоғистон АССР да ботаника боғлари ташкил этилди. Шу йилнинг ўзида Ботаника боғи коллекцияларини 10 мингдан ортиқ киши келиб кўрди. Мактаб ўқувчилари, техникум ва олий ўқув юртларининг студентлари, ишчи, хизматчи ҳамда колхозчилардан иборат бўлган бу экскурсиячилар богдан кўп нарсаларни ўрганиб кетдилар.

Боғнинг илмий ходимлари ҳар йили эрта баҳордан кеч кузгача бир неча марта экспедициялар ташкил этадилар. Экспедициялар даврида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ўсадиган ўсимликлар ҳамда уларнинг уруғлари тўпланади. 1960 йилда 2200 хил ўсимликнинг уруғи табиий шароитда йиғиб олинди. Экспедициядан тўпланган уруғлар дунёдаги кўпгина ботаника боғлари, айрим ботаник олимлар ва ҳаваскор ботаникларга юборилиб туради. Ҳозирги вақтда Ботаника боғи 40 дан ортиқ чет давлат билан алоқа қилади. Бу ердан чет мамлакатларга талаб бўйича турли ўсимликлар уруғи юборилади. Ўз навбатида Тошкентга чет эл ботаниклари ўсимлик уруғлари, кўчат, қаламча ва турли гулларнинг илдизларини юбориб турадилар.

Яқинда республика Фанлар академияси Ботаника боғининг ўн йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан Москвадаги СССР Фанлар академиясининг Бош ботаника боғи, Ленинграддаги академик Комаров номидаги ботаника институти ва ботаника боғи, Сочи, Сухуми ботаника боғлари ва бошқа кўпгина ерлардан табрик телеграммалари келди.

Ботаника боғининг коллективи бундан буён ҳам илмий-тадқиқот ишларини юксак талаблар даражасига кўтариб, республикамизда илмий кадрлар тайёрлаш ва Ўзбекистонни хилма-хил ўсимликларга бой қилишдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшади.

К. ОРИФХОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника боғининг аспиранти.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШЛАР

Кеча Тошкент Давлат университетида университетнинг 40 йиллиги юбилейига бағишланган ялпи йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда университет ректори ўртоқ О. Содиқов доклад қилди. Докладчи университет ўзининг 40 йиллик фаолиятида Ўзбекистон ва қардош республикаларда фан, техника ва маданиятни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги ҳақида гапирди.

Шунингдек, йиғилишда 1930 йиллари университетдан ажралиб, алоҳида ташкил топган институтлардан келган вакиллар ҳам сўзга чиқдилар. Ўрта Осиё политехника институтининг директори Ниёзов, қишлоқ хўжалик институтидан Мальцев, Тошкент Молия-иқтисод институтининг директори Қориев ўртоқлар ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтидан келган вакиллар сўзга чиқиб, Ўрта Осиёда дастлабки маърифат ўчоғи бўлган ТошГУ фаолияти, унинг мутахассис кадрлар тайёрлаш билан бирга республикамизда бир неча олий ўқув юртларининг ташкил топишида тутган ўрни ҳақида гапирдилар.

Университетнинг кимё, физика, математика, тарих, филология, геология, география ва шарқ факультетларида секция йиғилишлари, илмий конференциялар ўтказилмоқда. Бу йиғилишларда Иттифоқимизнинг кўпгина университетларидан юбилейга меҳмон бўлиб келган вакиллар ҳам иштирок этишаяпти.

Халқ университетлари учун

Мамлакатимизда халқ университетлари кенг ривож топмоқда. Халққа маданият, экономика, медицина, қишлоқ хўжалиги ва педагогика билимларини сингдиришда халқ университетларининг роли катта.

Тошкентда ана шундай университетлардан бир нечтаси мавжуд. Аммо шу пайтгача бу университетларда тингловчилар учун дурустроқ қўлланма йўқ эди. Бу, университет ишини нормал олиб боришда катта қийинчиликлар туғдирди.

Олимлар ва мутахассислар ташаббуси билан 1961 йилнинг 1 январидан Москвадаги «Знание» нашриёти «Халқ университети» сериясида брошюра чиқара бошлайди. Брошюра беш факультетдан иборат. Умумий сиёсий билим учун 20, табиият билимлари учун 30, иқтисодий билимлар учун 20, қишлоқ хўжалик билимлари учун 20, санъат ва адабиёт учун 30 брошюра нашр этилади.

Брошюраларнинг авторлари турли касбдаги мутахассис ва олимлардан иборат.

В. А. АНАНЬЕВ.

Оҳангаронга 20 йил

ОҲАНГАРОН, (ЎзТАГ). Бундан 20 йил олдин 1940 йилнинг куз фаслида Оҳангарон водисига, Қурама тоғлари этагига шахта қурувчилар тушган дастлабки машиналар келган эди. Бу ерда, Ўрта Осиёда энг йирик кўмир конида янги шаҳар барпо этила бошланди.

Ўша вақтдан буён Оҳангарон республиканинг йирик индустриал маркази бўлиб қолди. Уни ҳақли равишда Ўзбекистон кочегаркаси деб атайдилар. Бу ерда йилига миллион тонналаб кўмир қазиб чиқарилмоқда. Цемент, энергетика ва озиқ-овқат саноати синғари тармоқлар ҳам вужудга келтирилди.

Шаҳарнинг келажаги порлоқдир. Етти йилликда мавжуд корхоналарни анча ўстириш, шунингдек топилган каолин, оҳак ва бошқа хомашё запаслари негизида янги саноат тармоқларини ташкил этиш мўлжалланган.

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА).

ПИЁЛА

Аммо ўзингдан чиққан балога, қайга борай давога. Биров эмас, худди ўз ўғли, Қалинбек ойисининг сирини очди қўйди. Кулимхон олдида шарманда қилди. Болали уйда сир ётмас деб шуни айтар эканлар-да!

Бу шундай бўлди: Кулимхон ўша куни Қалинбекка иссиқ нонга сариёғ суртиб егизаркан, алдаб сўради:

— Аканг нима олиб келди? Ойинг бир нима яширгандай, тўрвадаги тугунчада нима бор эди?

У бу сўзларни айтишдан олдин боланинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирди.

— Ундами, унда кўпгина чинни идишлар бор, — деб данғал жавоб берди. Қалинбек.

— А, чинни идишлар дейсанми? — деди Кулимхон.

— Аҳа, четига олтин суви юргизилган пиёлалар бўлади-ку, ана ўшанақалар бор.

Кулимхон қора қурт чаққандай гужанак бўлиб қолди. Қалинбек бўлса айтадиган гапини айтиб бўлдида, ўз одатича яна кўчага чиқиб кетди. Тиним билмас Сарқит боягидай, бир гапириб, ўн кулиб келиб, Кулимхонни чойга чақирди. Чақиридию қовоғидан қор ёғиб турган қўшнисининг турқи-атворини кўриб ҳайрон бўлди.

— Овсинжон, ҳой эгачи, сизга нима бўлди, ёш болага ўхшаб терсайиб ўтирибсиз? Юринг чой ичамиз.

Жума ака ҳам шундай деб уни тезроқ келишга ундади. Бироқ у қиё боқмади. Сарқит уни қитиқлаб кулдирмоқчи бўлди. Лекин у:

— Тинч қўй, — деб қўли билан силтаб юборди.

Унинг феълига тушунган Сарқит нима қилишини билмай бирпас аланглаб кутиб турди-да, кейин чиқиб кетди.

«Ҳовридан тушганда келар» деб анчагача кутди. Бироқ Кулимхондан дарак бўлмади.

Кулимхон шу кундан бошлаб айниди қолди. Аламини кимдан олишини билмай, кундан-кунга диққати ошди. Аюҳаннос солиб, Сарқит билан роса уришгиси келарди-ю, аммо ўзини ҳеч нарса билмаганга солишга ҳаракат қиларди. У бир нима демагандан кейин бу нима десин? Бироқ Кулимхон анойилардан эмас эди. У ҳеч илож тополмагач, ўчоқнинг кулини тўкишга жой тополмагандай тўғри Сарқитнинг уйига қаратиб чангитиб сочиш одатини чиқарди.

— Ҳу, қоранг ўчкурнинг моли! Очдан ўлганмисан? Ўчоқ бошилай ердаги беш туп жўхоридан, битта ҳам қўймайдиган бўлдинг-ку. Кўтарам сигирини боқолмай, алвасти бостимикин уни? — чорбоғининг ёнига йўламаса-да бор овози билан шанғиллаб, қарғай-қарғай Сарқитнинг кўк гунажинини ура-ура қува кетди.

Шу феъли айниганича илмоқли сўзлар билан юлқиб, Сарқитнинг «гўрига гишт ташиди». Бу билан олишиш иложини тополмай, ўз ёрига ўзи қоврилди. Гўштдор юзларидан қон қочиб, бурнининг ўзигина қолди. Сарқит бўлса бояги-бояги. Тусидан адашгани йўқ. Ҳаммасига чидаб, гоҳо айбсиз айбдор бўлганига хафа бўлиб юрди, холос. Сарқит вазмин аёл экан, бўлмаса биров юрагингга пичоқ санчиб турганда, қандай жим тура оласан?

Сарқит пичоқ бориб суякка қадалгандан сўнггина зўр-базўр қаршилик кўрсатди.

— Вой шўрим, кечагина сўзга қўноқ бермай, ўша Кулимхон Жумакенга мақтаганим қаёқда қолди? Энди қайси юз билан қарайман? Икки орада юзим қора бўлди-ку! Ҳеч йўқ, сабабини айтиб ўлдирса ҳам алам-аччиғи йўқ эди, — деб ўпка қиларди Сарқит.

Шу кунларда Кулимхон қўни-қўшниларига, барча хешларига ўз сўзи ўтадиган Кенгашбекнинг хотинига ўхшаш аёлларга қўшнисини ёмонлаб юрипти. «Мана дастурхон устида ўтирибман! Одам фарзандига қилча хиёнат қилсам, мана шу ноннинг дами урсин. Ҳай умрим бино бўлиб, бундан золим, бундан шалтоқ хотинни кўрган бўлсам, кўзим чиқсин. Сабил қолғур ўша ит ялоқ, пиёлаларини тутса гадой бўлиб қолармикан?» — деб сўзлай-сўзлай хумордан чиқарди.

Энди гапни мухтасар қилиб тўрисини айтсак, бу орада улардан яқин, улардан тотув, улардан хушчақчақ, қўшнилар йўқ эди. Ҳаммасига аллақандай тўртта пиёла сабаб бўлди. Яна ҳам тўғрироғини айтсак, дунёпарастлик билан ичқоралик сабаб бўлди.

Қозоқчадан Жўрахон НАСРИДДИНОВА таржимаси.

«УРТЎҚМОҚ» ҚИСҚА САТРЛАРИ

МИРСАИДОВНИ КЎРГАНЛАР БОРМИ?

Юқори Чирчиқ районида кўп аҳоли яшайдиган Сўқоқ қишлоғида шу йилнинг июнь ойида шошилинч равишда нонвойхона қурилиб, шошилинч равишда уни билан кўмир ҳам келтирилди, ҳатто ўша куни «Паркент» райпосининг раиси ўртоқ М. Мирсаидов эртагаёқ нонвой билан хамиртуруш юборамаи деб ваъда бериб кетди. Орадан олти ой ўтди ҳамки, нонвой билан хамиртуришдан дарак бўлмади. Раиснинг ўзи ҳам қорасини кўрсатмай қўйди. Сўқоқ меҳнаткашлари шу кеча-кундузда Мирсаидовни кўрганлар борми, деб излаб юрибди.

Ш. ИЛЛДОШЕВ.

ПИСМИҚ

Оржоникидзе районидаги собиқ «Гужтранс» артелининг аравакаши Умар Азизов писмиқликда ном чиқарган. Бирор қинғир ишни яширинчасига битириб олади-да, кейин сенга қараб илжайиб тураверади. Ўттиз йилдан бери Ленин район, Абрикосвий тупик маҳалласида хизмат қилиб келаётган 30604 номерли телефонни алоқа ходимларига чойчақа бериб, ўз уйига тушириб олган. Бир йилдан буён телефонни ўрнига чиқариб қўй десак, бизга қараб илжайиб келади.

Билмадик, бу писмиқ қачонгача илжаяр экан?

Н. АБДУРАЗЗОҚОВ,
Х. ОБИДОВ,
Н. ФРОЛОВА.

БЕДАНАБОЗЛАР

Ленин номли колхоз чойхонасини шу кеча-кундузда беданабозлар босиб кетди. Чойхона мудири Ё. Мирҳакимов ана шу беданабозларнинг «инструктори» ҳисобланади. Бу одам ҳафтанинг беш кунида чой ва чойхонадаги гуруч, гўшт, ёғ, нонларни икки баравар нарх билан сотиб пул тўплайди-да, ҳафтанинг олтинчи кунида ҳаром пулларини беданага тикиб қимор ўйнайди. Чойхўрлар бутун чойхонани ўзиники қилиб олган қиморбоз-беданабозлар устидан кимга арз қилишини билолмай юрибдилар.

А. ИСАМУҲАМЕДОВ,
Х. АҲМЕДОВ.
Оржоникидзе райони.

ВАЪДАБОЗ

Райкомхоз мудири ўртоқ К. Қосимов бориб турган ваъдабоз чиқиб қолди. Тўйтепанинг Охунбоев ва Учқун кўчаларида водопровод калонкалари ётқизиш ҳақида нақ 17 марта ваъда бериб, аризага имзо чекди. Ниҳоят, шу йилнинг баҳорида меҳнаткашларнинг ўзига зовурлар ҳам қаздирди. Афсуски, қиш келиб етди ҳамки, ваъда қилинган трубаларнинг дарак йўқ. Кўчалар ариқ тусига кириб қолгани учун кишилар ўзларига керак бўлган нарсаларни томма-том ташиш га мажбур бўлмоқдалар.

Ваъдабозлик ҳам эви биланда, ўртоқ Қосимов!

А. ЕРМАТОВ.
Ўрта Чирчиқ райони.



Тошкент аэропортида метеорология хизмати ходимлари суткасига бир неча марта самолётда атмосферанинг юқори қатламларига чиқадилар ва шамолнинг йўналиши, ҳавонинг намлиги ва иссиғлигини аниқлайдилар. Бу, тезюрар пассажир самолётлари хавфсизлигини таъминлаш учун зарурдир. Суратда: борт-аэрологлардан Ирина Шашолина ва Нина Савочкина ўртоқлар навбатдаги кузатишдан қайтиб тушишди.
И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Телевизор ЭКРАНИДА

23 НОЯБРДА

19.00. «С. Маршак» — ҳужжатли фильм.

19.20. Сўнгги ахборот.

19.40. «Меҳнаткашлар» саволларига жавоблар» (рус тилида).

19.50. «Автоматика меҳнатни енгиллаштиради». Саноат ходимлари учун ўзбек тилида телевизион очерк.

20.05. «Ўзбек халқ чолғу асбоблари». Ўзбек тилида суҳбатли-музикали эшитириш.

20.25. Л. Н. Толстой вафотининг 50 йиллиги муносабати билан «Анна Каренина» бадиий фильмининг иккинчи серияси.

ЮРТЎҚМОҚ БЕОР

Холиқ Бойзоқов шу ёшга келиб бирор кимсага ўз хотирасидан шикоят қилган жон эмас. Шундай бўлса ҳам, ҳар эҳтимолга қарши, ён дафтари тутади. У дафтарига бошқа кишилардай кўрган-билганлари, таассуротларини эмас, балки қайси числода ким билан уришиши, кимларни алдашини қайд қилиб боради.

Бойзоқов бугун ҳам кундалик одати бўйича дафтарига қараб олгач, мактабнинг местком раиси И. В. Пакни ўз кабинетига чақирди. Директор кабинетига ўзга одам қўйилмагани учун улар ўртасида қандай махфий суҳбат бўлиб ўтганини билмаймиз. Аммо лекин сал вақт ўтмай, кабинет эшиги тарақлаб очилиб, ундан ранги бўздай оқариб кетган местком раиси билан қутирган туядай ғазабланган директорнинг ўқитувчилар хонасига бир-бирини қувиб кириб келганини ҳатто ўқувчилар ҳам кўрди. Бойзоқов местком раисини ўқитувчилар ҳузурида 6 келишикка солиб роса сўкди. Мушт дўлайди. Стол устидаги графиндан сув ҳўплаб олиб, яна сўкди.

Директорнинг сирини яхши билган ўқитувчилар танаффус тамом бўлишини кутмай, синфларга кириб кетишди. Бу кунги тўполон ўқитувчилар учун янгилик эмас. Бундай ишлар директор учун қонун тусига кириб қолган. У ўқувчилар олдида деярли ҳамма ўқитувчилар билан бирма-бир уришиб чиққан.

Ўқитувчилар йиғилишида Бойзоқовнинг абадий студентлиги қаттиқ танқид қилинди. Унинг Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг тоҳ адабиёт факультетида, тоҳ педагогика факультетида, тоҳ тарих факультетида сиртдан ўқияпман» деб кишиларни алдаб юргани очиб ташланди. У шунга қарамай, бир амаллаб 41-сонли мактабга директор бўлиб олди. Амални қурол қилиб олиб, қонундан ташқари иш қила бошлади. Ўтган йили райфо ва райондан мактабга келган комиссия баъзи синфларда болалар сонининг камлигини аниқлаб, бирхил синфларни бирлаштириш ҳақида қарор қабул қилган эди. Лекин Бойзоқов қарорга амал қилмай, умумтаълим қонунини қўпол равишда бузди. Аллақандай исми бор, жисми йўқ ўқувчиларни синф журналига ёзиб, районога сохта рапорт бериб шуғулланди. Штат бўйича мактабда битта илмий мудир бўлиши керак. Лекин Бойзоқов ўзига иккита «ўринбосар» тайинлаб, уларни дарс соати билан мўл-кўл таъминлайман деб, бутун мактабни алғов-далғов қилиб юборди.

Бойзоқов афтидан ҳамма нарсани ўз гази билан ўлчайдиганга ўхшайди. У аксари турли баҳоналар билан дарсни ташлаб ҳар ёққа кетиб қолса ҳам, ўтилмаган дарс соатларини журналга ўтилди деб ёзиб қўяверади. Айтаверсак, Бойзоқовнинг дафтари ҳали бери тамом бўлмайди. Яхшиси директор дафтарининг қолган қисмини ўқиб чиқишни Сирдарё район халқ маорифи мудири ўртоқ Ҳакимовга ҳавола қилиб қўяқолайлик.

И. АБДУЛЛАЕВ.

БЕЗОРИДАН БЕЗОРМИЗ

(АКТНИНГ АСЛ НУСХАСИ)

Бизларким тубанда қўл қўйиб, гувоҳлик берувчи Октябрь район, Собир Раҳимов маҳалласининг меҳнаткашлари, тузамиз ушбу актни шу ҳақдаким, маҳалламизнинг машҳур безориси Ҳолмирза Мадалиев чиндан ҳам сўнгги пайтларда безориликдан бошқа ҳеч нарсага ярамай қолди.

Ўзи бориб турган арақхўр, текин еб, текин кияди. Кичик укаларига кинотеатр майдони олдида писта соттириб, тушган фойдасига фақат арақ олиб ичади. Безорилиги туфайли икки марта қамалиб чиққан бу одам шу кеча-кундузда яна маҳалламиз бошига битган бир бало бўлиб қолди. Текканга тегиб, тегмаганга кесак отишда, болаларни, чолларни, аёлларни ҳақоратлаб, уриб-калтаклашда бунинг олдига тушадигани йўқ. Ўз ота-онасини ҳам бирнеча бор калтаклаган.

Безорининг афтини кўришга ҳеч қайсимизда тоб-тоқат қолмади.

Тунов куни кечаси маст ҳолда чойхонага кириб дам олиб, чой ичиб ўтирган ҳурматли қарияларни ҳақорат қилди, сўкди:

— Ҳаммангнинг соқолингни қирқиб, арқон тўқиттираман, — деб шовқин кўтарди.

Ана шундан сўнг бундан ҳам хуникроқ аҳвол юз берди. Бадмаст Мадалиев маҳалла комитетининг мусичадек беозор секретари Эгамбердиевнинг ёқасидан олиб:

— Ичак-чавогингни бурдалаб ташлайман! — деб туриб олди.

Қўрқиб кетган Эгамбердиевни безорининг қўлидан чиқариб олдик-да, уйига жўнатдик. Мадалиев унинг орқасидан қувиб бориб, кўча эшигини тепиб синдирди, гуноҳсиз фарзандларини бўлатди. Ҳолмирзага насиҳат қилмоқчи бўлган Улуғ Ватан урушининг инвалиди Ваҳоб Ғиёсовни шунақанги савалдадики, асти қўяверасиз.

Биз кўплашиб безорини ўз уйига киритиб қўйдик. Лекин орадан бир соат ўтар-ўтмас яна қий-чув, тўполон бошланди. Билсак, уятсиз Мадалиев маҳалланинг отахони Абдулхай отани судраб кўчага олиб чиқан экан:

— Сени ўлдираман! — қичқирди у пичоқ ялангочлаб.

— Айбим нима, ўғлим? — қўрқиб сўради ота.

— Айбинг шуки, саломимга алик олмадинг!..

Ўша куни бутун маҳаллада уйқу бўлмади. Ҳамма жон ҳовучлаб тонг оттирди.

Қадрли «Уртўқмоқ», биз акт тузувчи меҳнаткашлар сендан ўтиниб сўраймизки, безори, текинхўр Ҳолмирза Мадалиевдан қутилишимизда тегишли ташкилотлар орқали бизга ёрдам берсанг, боплаб фельетон қилсанг.

Ушбу актни маҳалла меҳнаткашларидан 74 киши имзолаган.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

УЙИН КУНИ ЯҚИНЛАШДИ!



1960 йилги
ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ
4-чиқарилиш билетларининг
ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ
30 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлади
ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ВА ДАВЛАТ КРЕДИТИ БОШҚАРМАСИ.

Тошкентнинг тамоша заларида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/XI да **Дон Кихот**, 24/XI да **Евгений Онегин**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/XI да **Алишер Навоий**, 24/XI да **Холисхон**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/XI **Нурхон**, 24/XI да **Ватан ишқи**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 25/XI кеч соат 7 яримда Ўзбек давлат филармонияси **Хор капелласининг ҳисобот концерти** (СССР бўйлаб қилинган гастролдан қайтиши муносабати билан).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Артист **Анатолий Фурманов гастроллари** (иллюзион аттракцион) ва янги программада **цирк тамошалари**. Кеч соат 7 яримда бошланади.

Ўрта Осиё политехника институтининг механика факультети коллективи факультет декани, доцент А. У. Салимовга отаси

Умрзоқ САЛИМОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 14001. Нашр. А. 1921.